Ш. ҚУЛМАНОВА, Б. СУЛЕЙМЕНОВА,
Т. ТОҚЖАНОВ

# МУСИҚА

Умумтаълим ўрта мактабининг 4-синфи учун дарслик

# 4

Алматы
«Атамұра» – «Жазушы»
2019

ӘОЖ 000
ББК 000
Қ 00

## Шартли белгилар::

 – мусиқани тинглаш

 – қўшиқни ижро этиш

 – ўқиш

 – ўйин

?! – топшириқлар, саволлар

**Қулманова Ш. ва бошқ.**
**Қ 00** **Мусиқа:** Умумтаълим ўрта мактабнинг 4-синфи учун дарслик/ Қулманова Ш., Сулейменова Б., Тоқжанов Т. – Алматы: Атамұра – Жазушы, 2019. – 172 бет.

ISBN 000-000-000-000-0

**ӘОЖ 000**
**ББК 000**

© Қулманова Ш., Сулейменова Б., Тоқжанов Т., 2019
© «Атамұра», 2019
Өзбек тіліне «Жазушы» баспасында аударылды, 2019

ISBN 000-000-000-000-0

## Ёш дўстим!

Сиз яна бир ёшга улғайдингиз… Бу вақт ичида мусиқа ҳақида анчагина билимларга эга бўлдингиз… Бу ҳақида сиз бир сония бўлса ҳам ўйлаб кўрдингизми?..

Бу дарсликдан сиз қандай янги мусиқий билимлар оласиз? Таништириб ўтайлик. Ҳар бир инсон учун ўз Ватани ўзгача иссиқ, чунки у туғилган юрти.Шунинг учун дарслигимизнинг биринчи саҳифалари “Менинг Ватаним – Қозоғистон” мавзусига бағишланган. Кейинги саҳифаларида инсоний қадриятлар билан халқимизнинг маданий мероси,касб ҳунар олами, табиат ҳодисалари билан танишасиз. Атрофимиздаги оламни муҳофаза қилишга интилиб, коинот оламига қулоч ёйиб, келажак ҳақида орзу қиласиз. Бунинг барчасига сизни мусиқа олами етаклайди. Жаҳон классик композиторлари ҳамда қозоқ, ўзбек композиторларининг танланган асарлари билан танишасиз, билимингизни тўлиқтирасиз. Мусиқа, айниқса ёқимли мусиқа фикрингизни таранглаштириб, яхшиликка, меҳрибон бўлишга ундайди. Ажойиб мусиқа оламига хуш келибсиз!





**Қазақстан – елім менің!**

Қазақстан – елім менің,
Ұлан-байтақ жерім менің.
Кеңпейілді кеңдігіміз –
Ата дәстүр ерлігіміз.

Алтай, Ақтау, Атырауым –
Байлық тұнған атырабым.
Арқадағы Астанамыз –
Алтын орда бас қаламыз.

Туын тігіп теңдігіміз,
Асқақтады елдігіміз.
Қазақстан – мәңгілік ел,
Жасай бермек жаңғырып жер.

*Абдрахман Асылбек*

# 1 МЕНИНГ ВАТАНИМ - ҚОЗОҒИСТОН

**Бўлимдан:**

- турли кайфиятдаги мусиқа билан Ватан мавзусининг боғлиқлигини ўрганиб, таҳлил қилишни;
- мусиқий асарлардаги бадиий тасвирларни, жанр турларини аниқлашни ва таққослашни;
- тингланган мусиқий асарнинг, қўшиқнинг сифатини, мазмунини, бадиий қуролларни аниқлашни ва таққослашни;
- канон турида қўшиқнинг содда парчаларини ижро этишни;
- қўшиқ, хор, симфоник оркестр ҳақида билим олиб, уларни фарқлашни

**ўрганасиз.**

**Мусиқий саводхонлик:**

- давлат Мадҳияси;
- қўшиқ;
- хор;
- симфоник оркестр;
- канон.

**Атамалар ва таърифлар:**

- Мадҳия – Гимн – Anthem;
- қўшиқ – песня – song;
- хор – хор – choir;
- мусиқий бадиий қуроллар – средства музыкальной выразительности – means of musical – expression;
- симфоник оркестр – симфонический оркестр – symphony orchestra;
- канон – канон – canon;
- тайёргарлик – репетиция – rehearsal.

1-дарс

## Менинг элим

**1-топшириқ.** Импровизация. Ахборот топинг. Бажаринг.




Биз Қозоғистон халқимиз! Бизнинг туғилган юртимиз, Ватанимиз Қозоғистон!

Қозоғистон – кенг-бепоён, ота-бобомиздан мерос бўлиб қолган ўлка. Мустақил элимизни дунё таниди. Юртимизнинг гўзаллиги , халқимизнинг бирлиги билан фахрланамиз. Биз бахтли халқмиз!

Юртимизнинг давлат рамзлари: Байроқ, Герб ва Қозоғистон Республикасининг Давлат Мадҳияси.

**Қозоғистон Республикасининг Давлат Мадҳияси.**

*Сўзини ёзганлар: Ж. Нәжімеденов, Н. Назарбаев*
*Мусиқасини ёзган: Ш. Қалдаяқов*

1. Алтын күн аспаны,
Алтын дән даласы,
Ерліктің дастаны –
Еліме қарашы!
Ежелден ер деген,
Даңқымыз шықты ғой.
Намысын бермеген,
Қазағым мықты ғой!

2. Ұрпаққа жол ашқан,
Кең-байтақ жерім бар.
Бірлігі жарасқан,
Тәуелсіз елім бар.
Қарсы алған уақытты,
Мәңгілік досындай,
Біздің ел бақытты,
Біздің ел осындай!

*Қайырмасы:*

Менің елім, менің елім,
Гүлің болып егілемін,
Жырың болып төгілемін, елім!
Туған жерім менің – Қазақстаным!

?! Давлат Мадҳиясини синф билан биргаликда, ўнг қўлингизни кўкрагингизга қўйиб, ёддан ижро этинг.

- Давлат Мадҳиясининг муаллифлари ҳақида айтиб беринг.
- Қозоғистон Республикасининг янги Мадҳияси қайси йили қабул қилинган?
- «Мадҳия» деган сўз қандай маънони билдиради?

**Мадҳия** – давлат рамзларининг бири. Бу – мусиқий шеър. Тантанали маросимларда, тадбирларда ижро этилади.

**2-топшириқ.** Таҳлил қилинг. Тажриба ўтказинг.

Машҳур болалар шоири Абдрахман Асилбек Ватанимизга ҳурмат кўрсатиб,дарсликнинг аввалги саҳифасида сизларга бағишлаб «Қозоғистон – элим менинг» деган шеър ёзди.

?! Шоирнинг шеърини тинглаб, таҳлил қилинг. Юртимизнинг ажойиб жойларини шоир юракдан чиққан қандай сўзлар билан куйлаган?

- Интернет тармоғидан ёки видеотасмада берилган «Қозоғистон – менинг Ватаним» деган кўринишни томоша қилинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- Ватан деганда нимани тушунасиз?
- Ўз элингизга, туғилган юртингизга бўлган ватанпарварликни қандай сўзлар билан ифодалаган бўлар эдингиз?
- Катакчаларни тўлдиринг. Жавобларини шоирнинг шеъридан ва мавзусидан топинг.

| Қ | | | | | | | | Н |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

| А | | | | Й |
|---|---|---|---|---|

| Б | | | | | Қ |
|---|---|---|---|---|---|

| Ж | | Р |
|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| А | | | | Н |

| | | | |
|---|---|---|---|
| О | | | А |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | | | | Н |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Д | | | А |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| А | | | | | А |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| А | | | | | У |

**3-топшириқ.** Тингланг. Таҳлил қилинг. Қўшиқни ўрганинг.



## Ватан

*Шеъри: И.Мирзо* *Мусиқаси: Х.Ҳасанова*

Сени десам юрагимда очилар гуллар,
Ёмғир бўлиб самолардан сочилар гуллар.
Саҳролардан, дарёлардан сочилар гуллар,
Юрагимнинг гулисан сен,гуллаган Ватан.

Исминг айтиб уйғонади чучук жилғалар
Сунбулалар тонгларингдан тақар сирғалар,
Кипригимда ёғдуларинг солар жилвалар,
Тилагимнинг гулисан сен,гуллаган Ватан!

Хушбўй-хушбўй олмаларда жаннат ҳавоси,
Тоғларингнинг бағрида минг дарднинг давоси,
Шудир, ахир, бир инсоннинг умр сафоси,
Юрагимнинг гулисан сен, гуллаган Ватан!

Ҳовуч-ҳовуч, зилол-зилол сувингдан ичдим,
Меҳринг қанот бўлди, мовий кўкларда учдим,
Яна қайтиб сенга келдим, тупроғинг қучдим,
Тилагимнинг гулисан сен,гуллаган Ватан!
... Юрагимнинг гулисан сен, гуллаган Ватан!

?!
- Болалар қўшиқлари ҳақида нималарни биласиз?
- «Ватан» қўшиғининг муаллифи ким?
- Қўшиқни муаллим қўйган талаблар асосида ўрганинг.

**4-топшириқ.** Тингланг. Таҳлил қилинг.

## Мустақил элим

*А.Жайимов куйи*



?! Таҳлил қилинг. Куйининг номи билан ижро этилиши унинг мазмунини ёритадими?

- Куй қандай ритмда ижро этилди?
- Тинглаганда кўз олдингизда нималар тасвирланди?
- Куйида берилган сўзлардан мазмунини аниқлайдиган сўзларни тўғри топиб, тушунганингизни айтиб беринг:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| шодланиб | тез | секин | таъсирли | қувонч билан |
| нозик | аста | ҳис-ҳаяжонли | ўйланиб | бадиий |

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. «Ватан» қўшиғини қандай ижро этдим?
2. Ижро этганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. А.Жайимовнинг «Эркин элим» куйини тинглаганда қандай таъсирландим?
4. Тақдимотимни қандай яхшироқ қилар эдим?

## 2-дарс Пойтахтимиз – Нур-Султан

**1-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

«Нур-Султан – навқирон шаҳар», «Орзум шаҳри – Нур-Султан», Нур-Султан – чиройли шаҳар», «Суюкли шаҳрим»,

«Нур-Султан – келажак шаҳри». Мана шундай ажойиб ўхшатишлар халқимизнинг бош шаҳрига бўлган ватанпарварлигини, ҳурматини ифодалайди.

Пойтахтимиз Нур-Султан йил сайин ўсиб-улғайиб, кўркамлашиб бормоқда. Қанчадан -қанча иморатлар, диққатга сазовор жойлар барпо этилган, сон-саноқсиз шеърлар ва қўшиқлар ёзилиб, видеотасмаларга туширилган.

Сиз қандай ўйлайсиз, шундай ажойиб ўзгаришлар одамларни ижодий ишлашга чақира оладими?

?! Интернет тармоғидан «Нур-Султан – Қозоғистоннинг Пойтахти» номли видеотасмани кўриб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Нур-Султан шаҳри қайси йили пойтахт деб аталди?
- Нур-Султанда мусиқа санъатининг қандай диққатга сазовор жойлари бор?

**2-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг. Қўшиқни ўрганинг.



### Арман қала – Астана

*Қўшиқ ва куй муаллифи: М.Омаров*

1. Ағылып Атыраудан, Алатаудан,
Көш қонды Қараөткелден таласа ауған.
Жайнайды Астана ару алқасындай,
Ғажайып ғимараттар жаңа салған.



2. Төріне туған жердің туын тігіп,
Ерекше ел еңсесі бүгін биік.
Астана – ақ ордасы қазағымның,
Алтын тәж ақ маңдайға қонған сүйіп.

*Қайырмасы*:

Сарыарқа сауырындай,
Ерке Есіл бауырындай.
Келеді бой көтеріп Арман қала.
Арман қала, Асыл дала,
Жаңа Астана, Астана.

**Сауыр** – кең жазықтың үсті.

?! Қўшиқ мазмунига эътибор беринг. Биринчи банднинг:

«Ағылып Атыраудан, Алатаудан,
Көш қонды Қараөткелден таласа ауған», –
деган биринчи ва иккинчи бандлари қандай фикрни билдиради?

- Қўшиқнинг ижро қоидаларини сақлаган ҳолда айтинг.
- «Арман қала, Асыл дала,
Жаңа Астана, Астана», –
деган нақаротидаги сўзларни икки гуруҳга бўлиниб, «акс-садо» шаклида синф билан бирга қўшиқни куйга солиб, ифодали ижро қилинг.

**3-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

## Илҳом манбаи

*Т.Тоқжанов куйи*



?! • “Илҳом” деган сўзнинг маъноси нима?
• Куй қандай кайфиятда ижро этилди?
• Куйни тинглаганда қандай ҳис-туйғуда бўлдингиз?

**4-топшириқ.** Ижро ва таҳлил.

?! “Ватан” қўшиғи билан ишингизни давом эттиринг.

• Қўшиқни синф билан бирга такрорлаб айтинг, шеър сатрларини аниқ, ифодали, равон ижро этинг

• Қўшиқнинг нақаротини канон шаклида ижро этишни ўрганинг. Канон шаклида айтиш учун нақаротини ёдлаб олинг:

Сени десам юрагимда очилар гуллар,
Ёмғир бўлиб самолардан сочилар гуллар.
Саҳролардан, дарёлардан сочилар гуллар,
Юрагимнинг гулисан сен,гуллаган Ватан.

• ***Ижро қоидаси:***

Ўқувчилар хор билан нақаротни бошлашади ва охиригача шундай темпда ижро этади. Ўқитувчи болалар билан бирга кетма-кетликда, нақаротни давом эттиради. Наъмунага қараб, синф билан биргаликда гуруҳга бўлиниб ижро этинг:

| | | |
|---|---|---|
| 1-гуруҳ | Сени десам | юрагимда очилар гуллар, |
| 2-гуруҳ | пауза | саҳролардан |

| | | |
|---|---|---|
| 1-гуруҳ | Ёмғир бўлиб | Ёмғир бўлиб |
| 2-гуруҳ | самолардан сочилар гуллар | пауза |

**Канон (санъатда)** – ўзгармайдиган (барқарор), анъанавий қоидалар тўплами.

**Каноник усулда қўшиқ куйлаш** – қўшиқнинг асосий куйини бир неча қўшиқчи ёки хор жамоасидаги гуруҳларнинг биридан кейин бири такрорлаб ижро этишидир.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. «Арман қала – Астана » қўшиғини қандай ижро этдим?
2. Ижро давомида қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Т.Тоқжановнинг “Илҳом манбаи” куйини тинглаганда қандай таъсирландим?

4. "Ватан" қўшиғининг нақаротини канон усулида қандай айтдим? Ижро давомида адашдимми?

5. Тақдимотимни қандай яхшилашим керак?

3-дарс

## Нур-Султанга совға

**1-топшириқ.** Тингланг.Таҳлил қилинг.

### Астана

*Қўшиқ ва куй муаллифи: А.Абдиханова*



*Нақарот:*

Орзуим ҳам сенсан – Астана,
Ардоғим ҳам сенсан – Астана.
Сен элимнинг юрагисан –
Гуллайвер, Астана.

?! Қўшиқни видеотасмадан кўриб, фикрингизни билдиринг.

- Болалар ижро давомида қўшиқнинг кайфиятини ҳис-туйғулар орқали кўрсата оладими?

- Қўшиқ айтиш давомида болаларнинг муаллимни ҳамда бир-бирини тинглаш, бирга ижро этиш талаблари ва ҳамжиҳатлиги сезилдими?
- Сиз синф билан бирга қўшиқ айтганда муаллимнинг қандай талабларини бажардингиз?
- Видеотасмадаги ўқувчилар Нур-Султанга қандай совға тайёрлади?
- Элимизнинг бош шаҳрига сиз қандай совға берган бўлар эдингиз?

**2-топшириқ.** Импровизация.

### "Нур-Султанга совға"

*(ўйин)*

*Қоидаси:* Синф уч гуруҳга бўлинади. Муаллим ўқувчиларга аввалдан топшириқ беради: Нур-Султанга боғлиқ видеотасмаларни кўриш, аудио тинглаш ёки кутубхонадан керакли маълумотларни топиш.

Ўйинни бошлашдан олдин муаллим ўқувчилар билан видеотасмани кўриб, бирга таҳлил қилади ва ўйиннинг қоидасини таништиради. Ҳар бир гуруҳ Нур-Султанга алоҳида совға тайёрлаши керак. "Рассомлар" гуруҳи расм чизади, "Қўшиқчилар" гуруҳи бир қўшиқ ижро этишади, "Раққосалар" гуруҳи рақс кўрсатишади. Ҳар бир гуруҳ тайёрлаган совғаларига тақдимот (презентация) тайёрлаб, тушунча беради. "Астана" қўшиғининг нақаротидаги 3-4-бандларини ўзгартириб, қуйидаги усулда айтишади:

"Орзуим ҳам сенсан – Астана,
Ардоғим ҳам сенсан – Астана.
Бағишлайин қўшиғимни,
Оқгулим менинг – Астанам».

**3-топшириқ.** Таҳлил қилинг.Тушунтириб беринг.

### "Астана – қўшиқ шаҳри"

*(бошқотирма)*

*Қоидаси:* Бошқотирмада шаҳар номлари «Астана» сўзини, мусиқий терминлар билан асбоб номлари «қўшиқ шаҳри» деган сўзларни тузади.




*1. Шаҳар номи.*
*2. Шаҳар номи.*
*3. Шаҳар номи.*
*4. Шаҳар номи.*
*5. Шаҳар номи.*
*6. Мусиқа асбоби.*
*7. Мусиқа асбоби.*
*8. Мусиқа асбоби.*
*9. Шаҳар номи.*
*10. Мусиқа асбоби.*
*11. Сабзавот.*
*12. Ширинлик.*
*13. Ширинлик.*
*14. Инсонийлик*
*15. Тез учар*
*16. Жонивор*

**4-топшириқ.** Баҳолаш.

1. “Нур-Султанга совға” ўйинининг топшириқларини қандай бажара олдим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Тақдимотимни қандай яхшилашим мумкин?

**4-дарс**

## Юртимни куйлайман

**1-топшириқ.** Ўйланг.Бажаринг.Таҳлил қилинг.

?! Ҳар бир одамнинг ўз туғилган эли, юрти бор. Инсон қаерда бўлса ҳам, туғилган жойи азиз ҳамда қадрли.
1-синфда ўрганган «Менинг Ватаним» (муаллифлари: Ў.Байдилдаев – Б.Исқақов) қўшиғининг биринчи бандини ёдингизга туширинг, гуруҳ билан бирга ижро қилинг. Сўзларига эътибор бериб, тушунганингизни айтинг:

“Ватан – менинг ота-онам,
Ватан – дўстим, қондошим.
Ватан –ўлкам, астанам,
Ватан – туғилган шаҳрим».

**2-топшириқ.** Тажриба ўтказинг ва таҳлил қилинг.

?! Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- Туғилган юртингизни, шаҳрингизни, мактабингизни сиз қандай қадрлайсиз?
- Туғилган жойингизда, мактабингизда, синфингизда фахрланадиган қандай яхши анъаналар, қизиқарли воқеалар бўлган?
- Сизнинг турар жойингизга, мактабингизга бағишланган қўшиқлар борми?

**3-топшириқ.** Ижодий ишланг ва ахборот топинг.



## “Мусиқий совғалар”

*(ўйин)*

*Қоидаси:* Гуруҳ билан ишлаш. Олдиндан муаллим синфни “Ўлкам – олтин бешигим”, “Мактабим – билим манбаи”, “Синф – дўстлик макони” деган учта гуруҳга бўлиб, ўқувчиларга топшириқ беради.

*Топшириқ*: гуруҳлар номлари бўйича туғилган юрти (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ), мактаби билан ўқиётган синфи ҳақида маълумот тўплайди. Масалан, интернет тармоғидан видеотасмаларни кўради, кутубхонадан кераклي китоб, расмлар, шеър ва қўшиқлар каби ҳужжатларни излаб топади, ота-оналардан, муаллим, ўқувчилардан суҳбат олади , тадқиқот ишлари олиб боради. Бирга ўқиб юрган синфдошлари, муаллимлари ҳақида қизиқарли воқеалар ҳамда эришган муваффақиятлари ҳақида ахборотларни тўплаб, таҳлил қилади.

**4-топшириқ.** Тақдимот.

?! Гуруҳга бўлинган ўқувчилар тақдимотини кўрсатиш вақтида:
- топган ахборотини ҳисоботини беради ёки саҳнада кўрсатади;
- мавзуга боғлиқ ҳужжатлар ҳамда расмларни кўрсатади (керак бўлса);
- шеърнинг ҳар бир бандидаги кўп нуқтанинг ўрнига тўғри келадиган сўзни тўғри топиб, таниш куйга солиб, ўзлари мустақил тайёргарлик олиб боришади;
- тақдимот охирида ҳар бир гуруҳ тайёрлаган қўшиғини синфда ижро этишади.

**Репетиция** – (лотин тилида “такрорлаш” ) тайёргарликнинг бир тури. Тўғри натижага эришиш учун асарни бир неча марта такрорлаб ижро этиш.

### 1-гуруҳ: “Ўлкам – олтин бешигим”

| Шеър | Сўзлар |
|---|---|
| Хазинали ..., | ўлкам, шаҳрим, қишлоғим |
| Табиати ... . | ажойиб, яшил, келган |
| Булбул бўлиб ..., | учамиз, сайраймиз, айтамиз |
| ... қўшиқни бағишлаймиз. | юртимга, шаҳримга, қишлоғимга |

### 2-гуруҳ: “Мактабим – билим манбаи”

| Шеър | Сўзлар |
|---|---|
| Мактабимнинг ..., | макони, қўшиғи, дўстлиги |
| ... қўшиқ макони. | Болаларнинг, ўқувчиларнинг |
| Чуқур билим ..., | оламиз, қўямиз, излаймиз |
| Қўшиқ айтиб...соламиз! | куйга, топишмоққа, қўшиққа |

### 3-гуруҳ: “Синф –дўстлик макони”

| Шеър | Сўзлар |
|---|---|
| Бизнинг ... ажойиб, | синф, болалар, қизлар, ўқувчилар |
| Тотувликда барака. | – |
| Биз ... боламиз, | ақлли, тантанали, ажойиб |
| Қувониб ... чаламиз. | куйни, қўшиқни, шеърни |

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Мавзу асосида ўйиннинг топшириғини қандай бажардим?
2. Тайёрлаган топшириқнинг қайси томони тўғри, қайси томонини тўлиқтириш керак?
3. Бажарганда қандай қийинчиликлар учради?
4. Тақдимотимни қандай яхшилашим мумкин?

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | “Мадҳия” сўзи нимани билдиради? | 1 | “Қувноқ қўшиқ” деган маънони билдиради |
| | | 2 | “Тантанали қўшиқ” деган маънони билдиради |
| | | 3 | “Парад қўшиқлари” деган маънони билдиради |
| | | | |
| 2 | “Қозоғистон – элим менинг” қўшиғининг муаллифи | 1 | А.Асилбек |
| | | 2 | Б.Искаков |
| | | 3 | А.Рахметов |
| | | | |
| 3 | “Дархан Дала” қўшиғининг мусиқасини ёзган | 1 | С.Мауленов |
| | | 2 | С.Еркимбеков |
| | | 3 | Ғ.Жубанова |
| | | | |
| 4 | Қўшиқ деганимиз – | 1 | икки қисмли асар |
| | | 2 | мусиқа ва поэзия санъатларининг умумий яратилиши |
| | | 3 | мусиқа асбоби жўрлигида ижро қилинадиган шеър |
| | | | |
| 5 | “Эркин элим” куйининг муаллифи | 1 | Т.Тоқжанов |
| | | 2 | А.Жубанов |
| | | 3 | А.Жайимов |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Канон усулида қўшиқ ижро айтиш деганимиз -нима... | 1 | қўшиқнинг асосий куйини бир неча қўшиқчи ёки хордаги гуруҳларнинг кетма-кет такрорлаб ижро қилиши |
| | | 2 | қўшиқни мусиқий асбоб жўрлигида ижро этиш |
| | | 3 | қўшиқнинг нафис, ажойиб ижро этилиши |
| | | | |
| 7 | “Орзум шаҳри – Нур-Султан” қўшиғи ва куйининг муаллифи | 1 | А.Асилбек |
| | | 2 | М.Омаров |
| | | 3 | Ж.Нажимеденов |

**2.** “Дархан Дала” қўшиғининг биринчи бандидаги кўп нуқтанинг ўрнига керакли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

1. Туғилган юрт, ...,
   Юксаксан беқиёс.
   ... етса агар
   Қучар эдим мен ... .

**3.** “Орзум шаҳри – Нур-Султан” қўшиғининг биринчи бандидаги кўп нуқтанинг ўрнига керакли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

Сариарқа ...,
... Есил бағридай.
Келади... Армон шаҳар.
Армон шаҳар... дала,
Янги ..., Нур-Султан.



**Бўлимдан:**

- қадриятлар ҳақидаги тушунчани;
- Ватанга, оилага, каттага бўлган ҳурмат ва жавобгарчиликни;
- меҳрибончилик, ватанпарварлик билан муҳаббат, дўстлик тушунчаларини мусиқий асарлардаги бадиий тасвир орқали тушунишни;
- куйнинг мазмунини, қўшиқ сифатини, бадиий қуролларни аниқлашни ва таққослашни;
- қўбиз асбобининг товуш оҳангини фарқлашни, асбобнинг яратилиш усулларини

**ўрганасиз.**

**Мусиқий саводхонлик:**

- ритм, темп;
- динамик белгилар: форте, пиано;
- мусиқий кайфият;
- рақс, марш туридаги қўшиқлар;
- қўбиз, чаноқ, тиргак;
- куйчи,қўбизчи, композитор.

**Атамалар ва терминлар:**

- қадриятлар – құндылықтар – ценности – value;
- оила – отбасы – семья – family;
- дўстлик – достық – дружба – friendship;
- ҳурмат – құрмет – уважение – respect;
- қўбиз – қобыз – кобыз – kobyz.

5-дарс

## Она Ватан

**1-топшириқ.** Таҳлил қилинг.

### “Она юраги” эртаги

*(шоир Қ.Дарибаевнинг “Она юраги” поэмасининг тармоғидан)*

Қадим замонда бир камбағал йигит қўй боқиб юриб, бир тепалик бошига ётиб, ухлаб қолибди. Туш кўрибди. Тушида бир бойнинг жуда гўзал қизини кўриб, унга қаттиқ ошиқ бўлиб қолади. Буни сезган тенгсиз гўзал: “Агар менга уйлангинг келса, онангнинг юрагини олиб кел”, -деб талаб қўйибди. Гўзалга қаттиқ ошиқ бўлган йигит онасининг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб йиғлабди. Фарзандига қайғурган онаси кўкрагидан юрагини суғуриб берибди. Юракни олган йигит севгани томон чопибди. Шошилган йигит қоқилиб қулаб, юракни қўлидан тушириб юборибди. Бир вақтда бутоққа илиниб қолган юракка тил битиб, оналик меҳр - муҳаббат билан:

«Айланайин жон болам,
Йиқилдинг-ми сен ёмон.
Оғримадими ҳеч еринг,
Сен омон бўл, жон болам!»

Йигит қилган ишига қаттиқ ўкиниб, қайғурибди. Уйғониб кетса, туши экан. Дарров уйига қараб чопибди. Онасининг соғ-саломатлигини кўриб, қувонганидан қучоқлаб йиғлабди.

Ҳар бир она учун боласи азиз, ҳар бир одам учун Ватани азиз. Фақат инсонга хос бўлган муҳаббат, ватанпарварлик, меҳрибонлик туйғулари қадрият деб аталади. **Қадрият – бу атама, қандайдир бир нарсанинг аҳамияти, афзаллиги, азизлиги.** Асосий қадриятлар: **Ватан, оила, она тили, рамзлар.** Ўзингиз яна қандай қадриятларни қўшар эдингиз?

**2-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

## Көк тудың желбірегені

*Сўзини ёзган: А.Ахметқул ўғли*
*Мусиқасини ёзган: Е.Зейитхан*



?! • Кўрган видеотасма билан эшитган қўшиғингиз сизга қандай таъсир қилди?
• Видеотасмада қандай қадриятлар тасвирланган? Ўзингизга таниш қадриятларни айтинг.
• Марш ритмидаги қўшиққа қандай асбоблар нозиклик қўшиб турибди?

Видеотасмадаги қадриятларни Ватанга бўлган муҳаббат бирлаштирган. Кўк байроққа ҳурмат – Ватанимизга бўлган ҳурмат.

> “ Бу дунёда бизнинг биргина Ватанимиз бор, у – мустақил Қозоғистон”.
>
> Нурсултон Назарбаев

**3-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

## Көк тудың желбірегені

*Сўзини ёзган: А.Ахметқул ўғли*
*Мусиқасини ёзган: Е.Зейитхан*

1. Көк тудың желбірегені –
Қазақтың асқақ беделі.
Махаббат, қайрат екеулеп,
Шымырлатқаны денені.

*Қайырмасы:*

Көк тудың желбірегені –
Жаныма қуат береді.
Таласқа түссе жан мен ту,
Жан емес, маған керегі –
Көк тудың желбірегені.

2. Көк тудың желбірегені –
Елдіктің асқақ өлеңі.
Жан-жаққа тартпай, қазағым,
Бір сөзге жинал дегені.

*Қайырмасы.*

?!
- Таласқа түссе жан мен ту, жан емес, маған керегі – Көк тудың желбірегені» деган қўшиқ мисраларини қандай тушунтирар эдингиз?
- Қўшиқни ифодали, ёқимли ижро этинг.

**4-топшириқ.** Ижодий иш.

Икки гуруҳга бўлиниб, «Көк тудың желбірегені» қўшиғининг кириш қисмини берилган наъмунага қараб, икки оҳангда ля нотасига солиб ижро қилинг.



**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Икки гуруҳ кириш қисмини қандай ижро қилди?
2. Ижро қилганда қандай қийинчиликларга дуч келди?

6-дарс

## Каттага ҳурмат

**1-топшириқ.** Фикр уйғотиш. Таҳлил.

### Бува -буви

*Сўзини ёзган: И.Иса*
*Мусиқасини ёзган: А.Бексултан*

?! «Бува-буви» қўшиғига ишланган видеотасманинг мазмуни ҳақида фикрингизни билдиринг.
- Видеотасмада қандай қадриятлар кўрсатилган?
- Бува-бувингизга, яқин танишларингизгагина ҳурмат кўрсатиш керакми? Ўз фикрингизни айтинг
- Қандай ўйлайсиз, видеотасманинг асосий маъноси нимада?

**2-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.

### Бува -буви

*Сўзини ёзган: И.Иса*
*Мусиқасини ёзган: А.Бексултан*

1. Қолмасин деб қатордан,
Ўйлашини сезаман,
Айланайин бувамдан,
Айланайин бувимдан.
Мақтанмайман бекор ман
Чиқмайсизлар хаёлдан,
Айланайин отамдан,
Айланайин онамдан.
Қуёш каби нур сочар,
Ғамхўрим ҳам ўзлари.

*Нақарот:*
Бувим, бувам,
Мен сизларни севиб улғаяман,
Отам, онам, ардоқлайман ҳаммангизни,
Мен сизларга қараб улғаяман.



2. Қанча кўрдим деган билан,
Кўрмаганим кўп менинг,
Қанча билдим деган билан,
Билмаганим кўп менинг.
Мен деганда ҳеч нарса.

Аямаган ўзлари,
Эрталаб ҳам, кечқурун
Ғамхўрим ҳам ўзлари,
Қандай ёмон бўламан,
Мен бахтли боламан.

*Нақарот.*

?!

- Қўшиқ сатрларида аталган катталарнинг қандай хислатларини сездингиз?
- Қўшиқ куйи қандай кайфиятда ижро қилинган?
- Қўшиқни  ҳис-туйғу билан ижро этинг.

**3-топшириқ.** Импровизация.



## Бекинмачоқ

*(ўйин)*

*Қоидаси:* Икки гуруҳга бўлиниб, «Каттага – ҳурмат , кичикка – иззат» насиҳат қўшиқларида яширинган сўзларни топинглар.

**1-гуруҳ:** ... – хазинали авлод (қария, буви, ота, бола)
Ҳар бир айтган ... қилар сўзини эли (ақл, ҳажм, наъмуна)
Ёшлари сўзин бўлмай, йўлин кесмай,
Миллатининг ... ҳис қилади (қаноатин, улуғлигин, фаросатин)

**2-гуруҳ:** ... болалигин кечиради (аканинг, боланинг)
Авлодим ҳаётимнинг ... эди (бошчи, давомчиси, кўрсатувчи)
Кичикка иззат билан йўл кўрсатиб,
... улғайсин деб ўстиради (сафаринг, талабинг, дарсинг)

**4-топшириқ.** Ижодий иш.

- Топган сўзларингизни берилган нота наъмунасига солиб,




гуруҳингиз билан ижро қилинг.

**5-топшириқ.** Тақдимот ва баҳолаш.

1. Бажарган ишингизга кўнглингиз тўлдими?
2. Дарс давомида қандай қийинчиликлар учради?

7-дарс

## Дўстлигимиз ярашган

**1-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

### Аҳил дўстлар



*шеъри: П. Мўмин* *мусиқаси: Х.Ҳасанова*

Бир мактабда яхши довруғ
Тарқаб кетди яқинда.
Барча қувнаб гапирарди
Икки ўртоқ ҳақида

Бир-бирига хўп меҳрибон,
Кўнгил тушган кўнгилга.
Шу сабабдан икковининг
Иши юрар ўнгига.

Ўқитувчи гапларини
Бир қулоқдай тинглашар.
Зеҳн қўйиб, ҳушёр туриб
Дарс мағзини англашар.

Гап-сўзлари бирам ширин,
Ўзлари ҳам ёқимтой.
Оталари, Оналари-
Булардан шод ҳойнаҳой

Баҳоланса бундай дўстлик,
“Беш” баҳо ҳам оз бўлар.
Ёшликдаги қалин дўстлик,
Бир умрга соз бўлар.

Бошқалар ҳам сезишсайди
Аҳил дўстлик нафини.
Кўпайишин истар эдим
Бундай дўстлар сафини.

?!

- Нима учун қўшиқ “Аҳил дўстлар” деб аталган?
- Синфингизда шундай дўстлар борми?
- Дўстингиз ҳақида ҳикоя қилинг (дўстингизнинг хулқ-атвори, ҳислатлари).
- Дўстлик, аҳилликни нима учун улуғлаймиз?
- Бошқа миллат вакилларидан дўстингиз борми?

**2-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг

## Достар әні

*Сўзини ёзган: А.Рахметов*
*Мусиқасини ёзган: Н.Мирманов*



Доспыз бәріміз,
Бірге әніміз.
Татулықпен ойнап-күліп,
Жайнар жанымыз.

Келер күндерге,
Терер гүлдерге,
Достарменен не жетеді,
Бірге жүргенге.

*Қайырмасы:*

Дос – өмірдің бағы,
Сынбасын сағы,
Арайлап атсын ақ таңы.
Дос – көңілдің күйі,
Өмірдің сыйы,
Кездессем деймін мен жиі.

?!
- “Достар” қўшиғининг сўзини куйи билан ўрганинг.
- Қўшиқдаги дўстлар хислатидаги яхши фазилатларини атанг.
- Қўшиқнинг ижро хусусиятларини таърифланг (суръати, кайфияти: лирик қўшиқ, рақс, марш ритмида).

**3-топшириқ.** Ижодий иш.

1. Икки гуруҳга бўлиниб, қўшиқнинг биринчи бандини қуйидаги талабларга мос ижро қилинг:

**1-гуруҳ** қўшиқнинг биринчи, учинчи бандларини форте-да ижро этишади.

**2-гуруҳ** қўшиқнинг иккинчи, тўртинчи бандларини пиа-нода ижро этишади.

2. Ўтган дарслардан динамик белгиларни ёдингизга ту-ширинг: f (форте) – баланд ижро, p (пиано) – секин ижро.

**4-топшириқ**. Таништириш.

Ижодий ишларингизни таништиринглар ва баҳоланглар.

8-дарс

## Қадриятлар доираси

**1-топшириқ**. Тажриба ўтказинг.




?! • Аталган қадриятларни биласизми? Нима учун бундай шаклда кўрсатилган деб ўйлайсиз?

**2-топшириқ**. Ижодий иш.

?!
- Берилган қадриятлар бўйича икки гуруҳ ижодий иш мавзуси-ни танлайди: “Она-Ватан”, “Дўстлигимиз ярашган”.
- Ҳар бир гуруҳ ўзига бериладиган топшириқларни бажаради.

**1-гуруҳ** “қадрият” атамасига маълумот беради.

**2-гуруҳ** “дўст”, “дўстлик” атамаларини тушунтиради. Н.Мирмановнинг “Достар” қўшиғига “Аудио” дастури ёр-дамида импровизация тайёрлайди.

**3-топшириқ**. Ижодий ишни таништириш ва баҳолаш.

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | Сейдолла Байтереков-нинг қўшиғи | 1 | “Аҳил дўстлар” |
| | | 2 | «Көк тудың желбірегені» |
| | | 3 | «Достар» |
| | | | |
| 2 | Қадриятлар | 1 | исрофгарчилик, ҳасадгўйлик, ҳалоллик |
| | | 2 | пишиқлик, ғамхўрлик, порахўрлик |
| | | 3 | меҳрибонлик, ҳалоллик, ғамхўрлик |
| | | | |

**2.** “Көк тудың желбірегені” қўшиғининг нақаротидаги шеър мисраларини тўғри ижро этинг.

Таласқа түссе ту мен жан,
Жан емес, керегі – маған
Көк тудың желбірегені.

**3.** “Достар” қўшиғининг биринчи бандидаги кўп нуқтанинг ўрнига кeракли сўзларни қўйиб ижро этинг.

… бәріміз,
Бірге әніміз.
… ойнап-күліп,
Жайнар … .
Келер күндерге,
Терер гүлдерге.
… не жетеді,
Бірге жүргенге.

4. Қуйидаги бошқотирмани тўғри топсангиз, бўлим номи келиб чиқади.




1. Бизнинг Ватанимиз – ... .
2. ...... ўтдан ҳам иссиқ.
3. Миллий асбоб.
4. Гулу - ..........
5. Инсон .......
6. Тиргак .....
7. Тиғдан ўткир.
8. Она қўшиғи ....
9. Энг ишончли одам
10. Давлат рамзи ...



**Бўлимдан:**

- маданият, мусиқий мерос атамаларини чуқур тушунишни;
- мусиқий асарлар орқали ота-бобомиздан мерос бўлган куй-қўшиқларни қадрлаш ва улуғлашни;
- достон, қўшиқ, эпос, куй жанридаги асарларнинг бадиий қуролларини аниқлаш ва таққослашни;
- *эпос, бастакор, терма* атамаларининг мазмунини тушунишни;
- бастакор, бахши, қўшиқчи, мусиқачиларнинг ижро этиш хусусиятларини фарқлашни;
- импровизация санъатини тавсифлаш ҳамда дарсда фойдаланишни
- симфоник ва халқ асбобларининг товуш оҳангини, оркестр таркибини аниқлашни

**ўрганасиз**

**Мусиқий саводхонлик:**

- куй, эпос, куй-ривоят;
- куйчи, бахши, қўшиқчи;
- дуэт, яккахон, оркестр, ансамбль;
- торли, дамли, зарбли асбоблар;
- импровизация, айтишув, композитор.

**Атамалар ва терминлар:**

- маданий мерос – мәдени мұра – культурное наследие – cultural heritage;
- афсона – аңыз – легенда – legend;
- эпос – жыр – эпос – epos;
- ботирлар эпоси – батырлар жыры – героический эпос – the heroic epic;
- дуэт – дуэт – дуэт – duet;
- ансамбль – ансамбль – ансамбль – ensemble;
- торли асбоб – ішекті аспап – струнный инструмент – string instrument.

9-дарс

## Дўмбира – юксак мерос

**1-топшириқ.** Импровизация.



Инсониятнинг ақл- фаросати ва қўли билан ясалган маданий меросларнинг барчаси маданият деб аталади.

?! • Берилган расмдагилар нега маданий меросга киради?
• Мусиқа санъатига хос бўлган ўзингизга таниш қандай маданий меросларни айтар эдингиз?

**2-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

### Оқсоқ кийик

*(қозоқ халқ куйи)*

«Оқсоқ кийик» афсонавий мақом – халқ орасида кенг тарқалган асл меросимизнинг бири. Куйнинг қисқача мазмунини ёдингизга туширинг.

«Қадимда овга чиққан хон боласи ҳалокатга учраб, вафот этади. Хон: «Ўғлимнинг қазосини айтган одамнинг ҳалқумига қўрғошин қуяман», – деб буйруқ чиқаради.

Ёмон хабарни айтишга ҳеч кимнинг жасорати етмайди. Шунда бир дўмбирачи бахши хон боласининг ўлимини куй орқали етказади.



Куй орқали боласининг вафотини эшитган хон дўмбиранинг чаноғига қўрғошин қуйдиради».

?!

- Видеотасмадан машҳур куйчи Мағауия Хамзиннинг якка ижросида «Оқсоқ кийик» куйидан парча тингланг.
- «Туран» этнофольклор ансамблининг ижросидаги «Оқсоқ кийик» куйини диққат билан тинглаб, видеотасмани эътибор билан кўринг.
- Икки хил усулдаги куйнинг ижро этилиш хусусиятларини тавсифланг.
- «Оқсоқ кийик» куйи мазмунининг асосий нуқтаси нимада (кийикларнинг чопиши, камоннинг отилиши, дўмбирага қўрғошин қуйилиши, ёмон хабарни дўмбира тили билан етказиш)? Сиз танлаган жавобнинг қайси бири дўмбиранинг улуғлигини кўрсата олади?

Президент фармони билан 2018 йилдан бошлаб дўмбира асбобига кўрсатилган ҳурмат сифатида июль ойининг биринчи якшанбаси «Дўмбира куни» байрами бўлиб белгиланди.



**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.



## Домбыра болып сөйледім

*Сўзини ёзган: Б.Қарагизўғли* *Куйини ёзган: И. Елубаева*

1. Ей, домбыра!
Бабамнан қалған үні едің,
Тәңірге аян тілегі.

Аңыра, ағыл, домбыра,
Қазақтың бағы, жүрегі.
Төгілткен жанның жаңбырын,
Егілткен бойдан жан мұңын,
Қазақтың ары-намысы,
Домбырам – менің тағдырым.
Ақ дұға дарып халқынан,
Ақ дыбыс нұры шалқыған.
Шырқалды көк ту астында
Әнұран болып алтын ән.
Е-е-е-е-ей, әнұран болып алтын ән.

2. Ай! Қазағым!
Аталы сөзге тоқтаған,
Қайранда, қайран сақ бабам.
Алдаспан сүйіп серт етіп,
Атаның салтын сақтаған.
Жар болып жалғыз Жаратқан,
Төгілді күй, ән шанақтан.
Айға да жетті айбоз ұл,
Арайлап атып әр ақ таң.
Кейде түн көңілім, кейде күн,
Мәртебем биік, ей, менің.
Абыз тіліммен дәуірге,
Домбыра болып сөйледім.
О-о-о-оу!
Домбыра болып сөйледім.

?! 
- Қўшиқ мазмунига эътибор бериб, ёзилиш шаклини аниқланг (банд –нақарот, банд).
- Ижрочилик хусусиятларини атанг (Қайси жанрга яқин?).
- Қўшиқни ўрганинг ва нафис ижро қилинг.

**4-топшириқ.** Ижодий иш.

**Нафис санъат**

*(ўйин мусобақа)*

Видеотасмада мусиқий асбоблар устасининг дўмбира ясаётган санъати кўрсатилган.

Мусобақага қатнашувчилар: **1-гуруҳ** – ҳакамлар, **2-гуруҳ** ҳамда **3-гуруҳ** – иштирокчилар.

*Мусобақа қоидалари*:

1. Мусобақа иштирокчилари видеотасмани бир марта кўрадида, дўмбира асбобининг тузилишини ўз гуруҳи билан ёзишади.

2. Ҳар бир гуруҳ ўз ҳимоячисини танлайди. Сўз устаси видеотасмани кўриб асбобнинг яратилиш усулини тўхтамай, ифодали, маъноли ҳикоя қилиб бериши керак.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

Ҳакамлар мусобақа талабларига мос аталган дўмбира асбобининг тузилишига балл беради. Нафис санъат мусобақасидаги сўз усталарини баҳолайди.

**10-дарс**

## Қадимий қўбиз ноласи

**1-топшириқ.** Таҳлил қилинг.

?! Миллий маданий меросимизда қўбиз асбобининг ўрни ўзгача. Қўбиз –скрипка, виолончель каби европалик созли асбобларнинг авлоди бўлиб саналади. Қўбизнинг ясалишига усталар жуда катта аҳамият берганлар.Масалан, ёзувчи И.Жақанов машҳур қўбизчи Иқиласга бағишлаган асарида қўбизнинг яратилишини жуда ажойиб таърифлаган. Асардан берилган парчани ўқиб, қўбизнинг ясалиш усулини тавсифланг.

### Иқилас

*(“Иқилас” романидан парча)*

*Илия Жақанов*

Иқиласнинг бобоси Олтинбек уч йил бурун Тўқмоқ бозоридан ғўла олиб келди. Уни уч йил қуритиб, алоҳида-алоҳида пуфлаб кўрди.

– Йўқ! У ҳали ҳўл. Қуригани йўқ!

Вақти келиб бобоси чаноқни ўйиб, йўнишга киришди. Шошилмай йўнди. Бобоси гапиришдан қолди. Ҳақиқий индамасга айланди. Бир куни у кулиб:

**Чаноқ** – қўбизнинг асосий қисми.
**Арча** – хушбўй, оқ, қизғиш рангли, яшил ёғоч.
**Ёғочни ўйиш** – ёғочни қурол билан йўниш.
**Ғўла** – ёғочнинг кесилган бир бўлаги

– Энди чаноққа иссиқ кул соламиз.

Чаноқнинг кулини тўкиб ташлагандан кейин, бобоси:

– Қани, ушлаб кўринглларчи! – деди.

– Енгил! – деди бобоси арчани салмоқлаб кўриб.

– Еп-енгил, – деб Иқилас ҳайрон қолди.

– Менга косанинг ёки чиннининг синиғи керак? Олиб кела қол, Иқилас!

Бобоси чинни синиғи билан қўбизнинг сиртини шанғиллатиб қирди, ялтиратди!

– Дукен, мана бу нарса билан қўбизни ишқала. Иқилас, сен ҳам!

Уччаласи эски кигиз билан қўбизни яхшилаб ишқалади. Бобоси чаноқнинг бетига кўнни кериб ёпди.

– Энди ёл керак!

Бобоси, отаси – учалови йилқиларни узоқ оралади.

– Қари бияга борма, Иқилас.

– Биламан, дада. Унинг ёли тез узилгич бўлади.

– Кучли, ёш йилқидан ол. У бардошли, қаттиқ бўлади.

Асов отларнинг ёли қўлига текканда, бобоси рози бўлиб, уни шўр сувга ботириб: етти кун кутди. Бу ишга ҳам кўнгли таскин топди.

Менга энди тиргакни олиб келинглар.

Бобоси чаноқ юзасидаги кўнга тиргакни жойлаштирди.

Зинг этган товушни тинглаб:

– Кўрдингми, болам, тиргак тебранишни чаноқнинг икки томонига ҳам берди. Тинглачи, очиқ, созли оҳанг! Тоза! Бураб кўрчи, Иқилас! – деди.

Иқилас қўбизнинг кулоғини уч-тўрт кун вақти-вақти билан бураб турди. У бир ойга чўзилди. Иқилас тоқатсизлана кутди. Бироқ бобосининг сўзи – сўз! Бир ойда ёл бирикди. Бобосининг кўнгли шод бўлди.

– Оҳ, неча йилги меҳнатим! Нафақам бўлчи энди сен, – деди бобоси.

Иқилас болаликдан қўбиз асбобига, Қорқит отасининг куйларига қизикди. Бир куни Иқилас туш кўради. Тушида Қорқит отаси Иқиласга қўбиз беради ...

?! 
- Олтинбек уста қўбиз ясаганда қайси ёғочнинг туридан фойдаланган?
- Чаноқни қандай ўйган?
- Қўбизнинг бетини қайси молнинг териси билан қоплаган?
- Қўбизнинг тори қандай ясалган?
- Товуш чиқариш учун чаноқ билан торнинг орасида нима жойлашади?
- Иқиласнинг тушига кирган Қорқит ота ҳақида нима биласиз?



Қўбиз асбоби Қорқит ота номи билан қатор аталади. Қорқит ота – эл бирлигини кучайтирган файласуф, олим , куйчи, бахши.Қорқит номи ЮНЕСКОнинг маданий мерослар рўйхатига киритилган.



**Иқилас Дукенўғли** (1843-1916) – композитор, куйчи, қўбизчи. Жезқазған вилоятида дунёга келган. Қўбиз санъатини замонимизга етказган буюк куйчи. Иқиласнинг “Жезкиік”, “Аққу”, “Қасқыр”, “Ерден” куйлари бугунги кунгача катта саҳналарда ижро этилмоқда.

**2-топшириқ.** Тингланг.

**Жезкиік**

*Иқилас куйи*

?! 
- Иқиласнинг “Жезкийик” куйини икки хил нусхасини ҳам тингланг (якка, қўбиз, оркестр).

• Иккала ижродаги кийик тасвирини қандай тасаввур қилар эдингиз (тошдан тошга сакраб ўйнайди, елиб югуради, яйловда юрган)?

**3-топшириқ.** Ижро этиш.

?! • "Жезкийик" куйидан парчани ля нотасига солиб ижро этинг.



**4-топшириқ.** Ижодий иш.

?! Икки гуруҳга бўлининглар.

**1-гуруҳ.** "Жезкийик" куйини нотага қараб, ля бўғини билан айтади.

**2-гуруҳ.** Берилган наъмунага қараб, куй ритмини чалади.



**5-топшириқ.** Баҳолаш.

?! • Ҳар бир гуруҳ ўз ишларини таништиради ва бир-бирини баҳолайди.

## 11-дарс Боболардан мерос қолган куй

**1-топшириқ.** Импровизация. Ахборот топинг.

Бошқа халқлар каби бизнинг халқларимиз ҳам қадимий ва жуда бой эпик меросга, яъни кенг афсонавий ва тарихий воқеаларни қамраб олувчи, уларни бадиий таҳлил этувчи асарларга эга бўлганлар улар халқ эпоси деб аталади.

Эпос сўзи юнон тилидан адабиётшунослик термини сифатида қабул этилган бўлиб, сўз, ҳикоят, ривоят маъноларини билдирган. "Эпос деганда дастлаб илоҳий кучлар, қаҳрамонлар, инсон ва уни ўраб олган борлиқ ҳақида объектив баён характерига эга афсона ва ривоятлар тушунилган".



Бошқа жуда қадимий достонларнинг ҳам тарихий асослари бўлиши мумкин ёки айрим эпизодларда тарихий воқеалар акс этади шу жумладан “Алпомиш” достони. Алпомиш достонининг асосий ғояси – халқнинг эрк ва мустақиллик учун кураши, тинчлик ва адолатни, инсоннинг ҳаётдаги эзгу орзу умидларини қарор топтириш учун курашдан иборат.

?! • Ўзингиз қандай ботирлар ҳақида биласиз?

**2-топшириқ.** Эпосдан парча тингланг.



### “Алпомиш ботир” достонидан парча

Сарғайдингми, сўлдингми?
Қулларга қул бўлдингми?
Ўз чечангни қўшқўллаб,
Бегонага бердингми?
Ўзбек эдинг, ўр эдинг,
Сен кўплардан зўр эдинг,
Ўз элингдан айрилиб
Қолибсан-ку, кўрдингми?

Остимдаги отимнинг
Дукурига тоғ кўчар.
Ҳолинг кўриб ботиринг
Юрагига доғ кўчар.

?! • Куйнинг сўзларини ифодали ўқинг.

**3-топшириқ.** Тадқиқот.

Куй ижодкори ва ижрочи одамни бахши деб атайди. Куйчи тайёр куйни ижро қилади.

?! • Таниқли бахши Тўхтасин Жалилов ҳақида маълумот топинг.



**Тўхтасин Жалилов** – ўзбек халқ бахшиси, созанда ва бастакор мусиқали драма жанри шаклланиб, ривожланишига улкан ҳисса қўшган санъаткордир. Жумладан: “Ҳалима”, “Ўртоқлар”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Алпомиш” каби саҳна асарларига мусиқа басталаган.

• Берилган чизмага қараб, бахши атамасига аниқлик киритинг.



## Нишолда

*Р.Толиб шеъри* *Д.Омонуллаева мусиқаси*

Тўйда, байрамда,
Рўза айёмда
Музқаймоқдан зўр,
Мана ялаб кўр,

Тансиқ нишолда,
Тортиқ нишолда.
**Нақарот:**
Мазали, тотли – оҳ!
Мисли новотли – оҳ!
Оҳ-оҳ нишолда,
Оппоқ нишолда.
Музқаймоқдан зўр – оҳ!
Мана, ялаб кўр – оҳ!
Оҳ-оҳ нишолда,
Қаймоқ нишолда.

Оҳ-оҳ нишолда,
Оппоқ нишолда.
**Нақарот:**
Бунча ҳам ширин,
Ким билар сирин?
Оҳ-оҳ нишолда,
Қаймоқ нишолда.
Меҳмонга юзим,
Хизматда ўзим.
Тайёр нишолда,
Мадор нишолда.

- “Нишолда” қўшиғининг асосий таянч пардасини аниқланг.
- Қўшиқни ёд олинг.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

?!
- Гуруҳ билан бажарган ишларингизни таништиринг ва баҳоланг.
- Қайси гуруҳнинг ижросидаги терма ёки куй таъсирли ва ёқимли ижро этилди?

**12-дарс**

## Абадий ажойиб оҳанг

**1-топшириқ.** Мусиқа тингланг ва таҳлил қилинг.

### Құсни – Қорлан

Бір қыз бар Маралдыда Қорлығайын,
Табиғат берген екен Күн мен Айын.
Мұратқа іздеген жан бәрі жеткен,
Дариға, арманым көп, не қылайын?

*Қайырмасы:*

Ахау, арман!
Құсни-Қорлан,
Екеуі туған екен бір анадан,
Екеуі туған екен бір анадан.

?! • Қўшиқнинг сўзи билан оҳангига эътибор беринг.

• Икки усулда ижро этилган «Құсни –Қорлан» қўшиғининг фарқини таҳлил қилинг.

• Қўшиқчи, шоир Естай туйғуларини қандай баён қилган (таъсирли, секин, тез, қувноқ, лирик)?



**2-топшириқ.** Тадқиқот ўтказинг.

**Естай Беркинбайўғли** (1874-1946) – композитор, созанда ва бастакор. Павлодар ҳудудида дунёга келган. “Майда қўнғир”, “Дунё” – қўшиқчининг қозоқ халқига машҳур қўшиқлари. «Құсни -Қорлан» қўшиғи дунёга машҳур. Қўшиқчи, шоир Естай-Биржан сал, Ақан сериларнинг санъатларини давом эттирувчи инсон.

?! • *3-синфдаги сал, сери* атамаларини ёдингизга туширинг. Естайнинг ижоди ҳақида интернет тармоғидан ахборот излаб тўлиқтиринг.

**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.

**Қоғалы-ай**

*(қозоқ халқ қўшиғи)*

Бозбеткейлім-ай, ендеше, бозбеткейлім, ахау,
Бозбеткейден-ай, ендеше, мал кетпейді-ай.



*Қайырмасы:*

Қоғалы-ай,
Қоңырсалқын-ай,
Малға жай.
Шөбі жұмсақ-ай, шаруа, шөбі шүйгін, ахау,
Бағланы мыңғырған жер жетпейді-ай.

*Қайырмасы:*

Қоғалы-ай,
Қоңырсалқын-ай,
Малға жай.

Маусым-мамыр-ай болғанда, маусым-мамыр, ахау,
Мал құдықтан су ішер абыр-сабыр-ай.

*Қайырмасы:*

?!

Қоғалы-ай,
Қоңырсалқын-ай,
Малға жай.

• “Қоғалы-ай” қўшиғи – эл орасида кенг тарқалган кўпинча ижро этиладиган халқ куйи. Қўбиз асбобининг жўрлигида ижро

этиладиган “Қоғалы- ай” қўшиғини тингланг, олган таассуротингиз билан ўртоқлашинг.

- Дуэт билан (икки товуш) айтиладиган замонавий (эстрадали) ижродаги “Қоғалы- ай” қўшиғига эътибор беринг, аввалги тинглаган ижрочи билан таққосланг.
- Қўшиқдаги ер номи “Қоғалы” қандай тасвирланган?
- Қозоқ халқининг турмуш-тарзи қандай баён этилган.
- Қўшиқни ўрганиб, мамнунлик билан ижро қилинг

## Абадий мерос

**1-топшириқ.** Импровизация. Мусиқа тингланг.

**13-дарс**

### Сарыжайлау

*Таттимбетнинг куйи*

?!

- “Сарыжайлау” куйини симфоник ва қозоқ миллий асбоблар оркестрининг ижросида тингланг.
- Куйни қайси оркестр бошлади? Қандай оркестр жавоб қайтарди, қандай оркестр тамомлади?
- Видеотасмадаги оркестр ижроларини қандай санъат турига қўшган бўлар эдингиз?
- 3-синфдаги мусиқий тажрибангиз асосида, икки оркестрнинг фарқини айтинг.
- “Сарыжайлау” куйи қайси оркестрнинг ижросида сизга ёқди? Нима учун?
- Видеотасмадаги оркестр ижроларига мавзу қўйинг.

**2-топшириқ.** Мусиқий саводхонлик.

Симфоник оркестр илк маротаба 18 асрда Европада пайдо бўлди. Оркестр таркиби торли-дамли, ғижжакли ва зарбли асбоблардан тузилган.

## Симфоник оркестрнинг таркибидаги мусиқий асбоблар

*(овозига мувофиқ гуруҳлаш)*



| I. Торли-ғижжакли асбоблар гуруҳи | | | |
|---|---|---|---|
|  |  |  |  |
| скрипка | альт | виолончель | контрабас |
| **II. Дамли –ёғоч асбоблар гуруҳи** | | | |
|  |  |  |  |
| флейта | гобой | кларнет | фагот |

| III. Дамли- мис асбоблар гуруҳи | |
|---|---|
|  |  |
| валторна | труба |
|  |  |
| тромбон | туба |
| **IV. Шовқинли-зарбли асбоблар гуруҳи** | |
|   |    |
| кастаньет, маракас ва ҳ.к | Барабан, довулпаз, дабил, |
|    |   |
| литавра, тарелка, учбурчак, | қўнғироқ, ксилофон ва ҳ.к. |

| V. Клавишли асбоблар гуруҳи | | | |
|---|---|---|---|
|  |  |  |  |
| рояль | орган | клавесин | клавикорд |

| VI. Қўшимча гуруҳ |
|---|
|  |
| арфа |

**3-топшириқ.** Ижодий иш.

Уч гуруҳга бўлиниб, “Абадий мерос” номли санъат мусобақасига қатнашинг.

**1-гуруҳ.** Қўбиз асбобининг яратилиш усулини ҳикоя қилади. “Жезкийик” куйига импровизация тайёрлайди (қўшиғини ижро этади, куйини чалади).

**2-гуруҳ.** “Қоғали ай” халқ қўшиғини икки оҳангда ижро қилади.

**3-гуруҳ.** “Алпомиш ботир” эпосига расмлардан коллаж тайёрлайди. Буқар бахшининг “Баланд тоққа ярашар” термасини ижро этади.

**4-топшириқ.** Баҳолаш.

- Ҳар бир гуруҳ ўз санъатини кўрсатади ва бир-бирини баҳолайди.

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | Дўмбира нимадан ясалади? | 1 | ёғочдан |
| | | 2 | мисдан |
| | | 3 | гилдан |
| | | | |
| 2 | Дўмбира тузилиши | 1 | қулоқ, бўйин, чаноқ, гавда, таянч, тор |
| | | 2 | чаноқ,гавда, таянч, тор, қисқич |
| | | 3 | қулоқ, бўйин, тор, қисқич, таянч |
| | | | |
| 3 | Эпос | 1 | эпосни айтади |
| | | 2 | эпосни яратади, куйлайди |
| | | 3 | эпосни яратади, куйламайди |
| | | | |
| 4 | Бахши | 1 | эпосни айтади |
| | | 2 | эпосни яратади, куйлайди |
| | | 3 | эпосни яратади, куйламайди |
| | | | |
| 5 | “Қусни-Қорлан” қўшиғининг муаллифи | 1 | Биржан сал |
| | | 2 | Ақан сери |
| | | 3 | Естай |
| | | | |
| 6 | Симфоник оркестр таркибидаги асбоблар | 1 | скрипка, қўбиз, дўмбира, виоленчель |
| | | 2 | флейта, гобой, созсурнай, жетиген |
| | | 3 | скрипка, виолончель, флейта, гобой |
| | | | |
| 7 | Халқ асбоблари таркибидаги асбоблар | 1 | скрипка, қўбиз, дўмбира, виоленчель |
| | | 2 | қўбиз, дўмбира, созсурнай, жетиген |
| | | 3 | флейта, гобой, созсурнай, жетиген |
| | | | |

**2.** Бухор бахшининг “Баланд тоққа ярашар” термасининг асосий сўзларини ўрнига қўйинг.

Баланд тоққа ярашар,
… .
Чуқур сойга ярашар,
… .
Эр йигитга ярашар,
… .
Мард йигитга ярашар,
… .

**3.** Берилган нота парчаси қайси қўшиқдан олинган?




**4.** Қуйидаги бошқотирмани тўғри топсангиз, оркестр сўзи чиқади.




1. Ўзбек миллий асбоби.
2. Бўғзига қўрғошин қуйилган асбоб.
3. Симфоник оркестрдаги торли асосий асбоб.
4. Симфоник оркестрдаги дамли асбоб.
5. Гилтупроқдан ясалган қозоқ миллий асбоби.
6. Етти торли қозоқ миллий асбоби.
7. Симфоник оркестрдаги дамли асбоб.



# МУТАХАССИСЛИКЛАР ОЛАМИ

**Бўлимдан:**

- турли кайфиятдаги мусиқа билан умумий касбларга ва мусиқа мутахассисликларига боғлиқ мавзуларни, ахборотларни таҳлил қилиб, тавсифлашни;
- мусиқий асардаги бадиий тасвир ва жанр турларини аниқлашни, таққослашни;
- тингланган мусиқий асарнинг, қўшиқнинг сифатини, мазмунини, бадиий воситаларини аниқлашни, таққослашни;
- нота билан қўшиқнинг оддий парчаларини ижро этишни;
- мусиқий мутахассисликлар ҳақида билим олиб, фарқлашни

**ўрганасиз.**

**Мусиқий саводхонлик:**

- асбобли мусиқа;
- қўшиқ;
- қўшиқчи;
- дўмбирачи;
- композитор;
- мусиқа мутахассислиги.

**Атамалар ва терминлар:**

- асбобли мусиқа – аспаптық музыка – инструментальная музыка – instrumental music;
- қўшиқ – ән – песня – song;
- қўшиқчи – әнші – певец – singer;
- дўмбирачи – домбырашы – домбрист – the dombra player;
- композитор – композитор – композитор – composer;
- касб – мамандық – специальность – special(i)ty;
- мусиқачи – музыкант – музыкант – musician;
- мусиқа мутахассислиги – музыка мамандығы – музыкальная специальность – special(i)ty music;
- мусиқий бадиий воситалар – музыкалық көркемдеуіш құралдар – средства музыкальной выразительности – means of musical expression.

14-дарс

## Касбим – фахрим

**1-топшириқ.** Импровизация.



Ҳар бир инсон хаётда бахтли бўлишни орзу қилади. Ҳаёт кўрсатгандай, бахтнинг калитларидан бири – ўзингизга ёқадиган касб танлаш. Инсон ўз касбини қанча севса, у ўзини ҳаётда ҳам бахтли ҳис қилади.

Ҳозирги вақтда болаларни касб-ҳунарга ўргатиш болалар боғчасидан бошланади. Қизиқарли мультфильм билан ўйинлар шу мақсадда йўналтирилган. Сизнинг мактабингизда ҳам шундай йўналишда турли ишлар олиб борилади.

*“Мен касб-ҳунар танлайман” деган видеотасмани кўриб, ўз фикрингизни айтинг.*

?! Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- “Мутахассислик” деган сўзни қандай тушунасиз?
- Касб танлашни 4-синфдан бошлаганингиз тўғри деб ўйлайсизми? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.

- Келажакда танлаган касбингиз севимли ишингизга айланиши учун нима қилишингиз керак?
- Биласизми, олимлар барча мутахассисликларни беш турга бўлади. Улар:

| | |
|---|---|
| **Одам-одам** |  |
| **Одам – белги тизими** |  |
| **Одам – техника** |  |
| **Одам – табиат** |  |
| **Одам – бадиий тасвир** |  |

**2-топшириқ.** Ахборот топинг. Таҳлил қилинг. Ижодий иш.

## “Мутахассисликни топинг”

*(ўйин)*

**агроном, таржимон, қўшиқчи, баликчи, ҳисобчи, шифокор, қурувчи, ҳайкалтарош, рассом, сартарош**

*Қоидаси.* Ўқучилар беш гуруҳга бўлинади: “Одам – одам”, “Одам – белги тизими”, “Одам – техника”, “Одам – табиат”, “Одам – санъат”. Ҳакамлар ҳайъати (икки ўқувчи) гуруҳларнинг намойишларини баҳолайди.

Ўйиннинг биринчи қисмида ҳар бир гуруҳ луғатдан ўз касбига мос икки ҳунарнинг номини топиб, пантомимо кўринишида (оҳанг, мусиқа ёки мусиқий асбобларни, эгилувчан ҳаракатларни, ракс, расм кабилар ёрдамида) кўрсатади. Қолган гуруҳ намойиш асосида касбнинг номини топишади.

Ўйиннинг иккинчи қисмида ҳар бир гуруҳ аралаш турган ҳарфлардан касб номини топиб, импровизация куйи билан қўшиб, хоҳлаган ритмда чапак чалиб, жавоб беради. Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| Ўқувчиларга ким билим беради? | ТЎУВИЧҚ | Ў - қи - тув - чи |

| | |
|---|---|
| Самолётни бошқарувчи ким? | ЧУВИЧУ |
| Нон пиширувчи ким? | ВОНЙОВ |
| Коинотга учувчи ким? | АЗОФРИГ |
| Этик тикадиган ким? | ИТЧЭКИ |
| Поезд ҳайдовчиси ким? | ШИМТАНИС |
| Мусиқа ёзадиган ким? | РОКОМОТЗИП |
| Дўмбира чаладиган ким? | МДЎШБИРЧИА |

**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.

## Мамандығым – мақтаным

*Сўзини ёзган: А.Асилбек*
*Мусиқасини ёзган: Н.Хинков-Айтбаева*



1. Қызу іске қараңыз,
Ғимараттар саламыз.
Қанат жайып күн сайын,
Құлпырады қаламыз.
– Бұл кім?
– Құрылысшы!

2. Емдеушіміз қуатты,
Көңіліміз шуақты.
Түрлі аурудан сақтаймыз,
Елімізді тұрақты.
– Бұл кім?
– Дәрігер!

3. Жол көрсетіп адамдық,
Сәуле сепкен санаға.
Ұстаз – асыл мамандық
Маған-дағы, саған да.
– Бұл кім?
– Мұғалім!

4. Аспаз болсаң керемет,
Одан артық не керек?
Дәмді, мәнді тағамдар
Қуанышқа бөлемек.
– Бұл кім?
– Аспаз!

5. Ауылдан, мейлі, қаладан,
Жеріне жетіп қалаған,
Жандарға көлік жүргізген
Алғысын айтар бар адам.
– Бұл кім?
– Жүргізуші!

***Қайырмасы:***

Талап күшті замандық,
Қажет барлық мамандық. } *2 рет*

?! Қўшиқ мазмунига эътибор беринг, синфдошларингиз билан бирга ҳикоя қилинг. Қандай ижро қилинади?
- Энди муаллим кўрсатган талаблар асосида ўрганинг.
- Унинг бадиий тасвирига қараб ифодали, ҳис-туйғу билан ижро қилинг.

**4-топшириқ.** Тингланг. Ахборот топинг.

Қайси даврда бўлса ҳам одамлар ўз меҳнатига, бажарган ишларига турли кўзқарашда бўлиши маълум.

Жуда қадим замонда Шартр деган француз шаҳрида катта ибодатхона солинаётган экан. Арава билан қурилиш тошларини ташиб юрган учта ишчидан нима қилишаётганини сўраган экан. Биринчиси: «Мен мана шу битмайдиган тошларни куни-тун ташияпман. Мана, қўлимда яра ҳам пайдо бўлди!» – деб жавоб беради. Иккинчиси бундай дейди: «Мен тошларни қалайман ва олиб келаман, аёлим билан қизларимнинг ош-овқатига даромад топяпман». Учинчиси жилмайиб: «Мен ажойиб, чиройли ибодатхона қуряпман», – дебди.

?! Бир хил ишни бажараётган учта одам уч турли жавоб берди.
- Шундай жавоблар инсоннинг қандай хусусиятларини кўрсатади?
- Ҳар бир меҳнат, масалан, мусиқий ҳунар инсонга яхши кайфият, қувонч, ютуқларга етказиш учун қандай талабларга жавоб бериши керак? Катакчалардан тўғри деган сўзларни топиб, тушунганингизни айтиб беринг:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| самимият | хоҳиш | тарбия | мойиллик | қизиқувчилик |
| ёқимли | ватанпарварлик | ота-онанинг ақли | қобилият | фойдали |

**«Мутахассислик»** сўзи лотин тилидан чиққан, «юрт олдида гапириш, эълон қилиш» деган маънони билдиради.

*Мутахассислик* – инсоннинг меҳнат фаолиятининг, ишининг асосий тури.

*Мутахассислик* – иш тури, у одамдан маълум бир тайёргарликни, билим ва кўникмаларни талаб қилади.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. «Мутахассисликни топинг» ўйинининг топшириғини қандай бажардим?
2. «Мамандығым – мақтаным» қўшиғини қандай ижро қилдим?
3. Ижро қилганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
4. Тақдимотимни қандай яхшилаш мумкин?

15-дарс

## Орзуим – мусиқачи бўлиш!

**1-топшириқ.** Импровизация.



Мусиқа – сеҳрли олам. Мусиқани ким яхши кўрмайди? Қозоқ ва ўзбек халқи ҳар доим мусиқа санъатига яқин бўлган. Тарихий маълумотлар, мусиқачи-этнограф олимларнинг тадқиқотлари – ажойиб қўшиқчи, кенг фикрловчи халқ эканлигини исботлаган. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган куй ва қўшиқлар, эпос-термалар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Мусиқий меросимизни бизгача етказган кимлар? Албатта, халқнинг ўзи, ҳамда уста санъаткорлар бўлмиш сал-серилар, мусиқачилар,қўшиқчилар ва бахшилардир.

Булар ўтмишимиздаги ҳақиқий санъаткорлардир

?! • Замонимизга мос қандай мусиқий касбларни биласиз?
• «Мусиқачи» деган сўз қандай маънони билдиради?
• Шу мавзуга боғлиқ бошқотирмани ечинг.

**2-топшириқ.** Ахборот топинг ва таҳлил қилинг.

## Мусиқачиман!

*(бошқотирма)*

Бошқотирмани ечинг.




?! 1. Дўмбира чаладиган мусиқачи.
2. Гусли асбобида ўйнайдиган мусиқачи.
3. Скрипка асбобида ўйнайдиган мусиқачи.
4. Сурнай асбобида ўйнайдиган мусиқачи.

5. Қўбиз асбобини чаладиган мусиқачи.
6. Доира асбобини чаладиган мусиқачи.
7. Пианино асбобида ўйнайдиган мусиқачи.
8. Қўшиқ айтадиган одам.
9. Мусиқа ёзадиган одам.
10. Флейта асбобида ўйнайдиган мусиқачи.
11. Зарбли асбоб.

**3-топшириқ.** Тингланг. Тадқиқот ва таҳлил қилинг.

## Касбим ҳақида мусиқий ҳикоя

*Мусиқасини ёзган: Н.Хинков-Айтбаева*



Сиз тинглайдиган мусиқий асарнинг муаллифи болалик чоғидан мусиқачи бўлишни орзу қилар эди. Бир куни кичкинтой Наргиз онаси билан сайр қилиб юриб, мусиқа мактабининг олдидан ўтиб қолибди. Бир вақтда у асбобнинг ёқимли, нафис оҳангини эшитиб, тўхтаб, охиригача диққат билан тинглабди. Унга ёққан асбоб  скрипка эди. Шундан унинг орзуси скрипкачи бўлиш экан.

Яна бир кун улар болаларга бағишланган концертга боришади. У дўмбира чалган боланинг, икки қизнинг флейта билан рояльни усталик билан чалганларига ҳамда ажойиб қўшиқ

айтган қўшиқчининг товушига ҳайратда қолади. Онасига: «Мен мусиқачи бўламан», – деб, мусиқа мактабининг «фортепиано» синфига ёзилади.

Кўп йиллар давомида мусиқий билим олиб, ҳозир Наргиз ўзи орзу қилган композитор мутахассислиги бўйича иш юритмокда. Болаликда ёдида қолган воқеаларни нотага тушириб, сизларга «Касбим ҳақида мусиқий ҳикоя» деган асарни тақдим этди.

Мусиқа тинглаш талаблари бўйича асарни бир неча марта тингланг ва таҳлил қилинг..

?!
- Муаллиф асарида мусиқа орқали ўз касби ҳақида ҳикоя қилиб бердими?
- Асарнинг асосий куйини синф билан бирга «ля» нотасига солиб, ажойиб усулда ижро қилинг. Ритмини чапак чалиб жўрлик қилинг.
- Муаллим ёрдамида нота билан айтиб кўринг.

$^{3}/_{4}$ ҳажмда дирижёрланг. Шу ўлчамни дирижёрлашни сиз 2-3-синфларда ўргандингиз.

- Асарда композитор қандай мусиқа мутахассислари ҳақида гапирди. Катакчаларни тўлдириб айтиб беринг.

**4-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

## Совуқ кимни излайди

*Пўлат Мўмин шеъри*
*Н.Норхўжаев мусиқаси*

Кийинволиб, шайланиб,
Юрса ўйнаб, айланиб,
Бўшашмаса ким агар
Совуқ унга бўйин эгар.

**Нақарот:**
Бўлса ланж-у дангаса,
Тугмасини тақмаса,
Совуқ тезда йиқади,
Ундан ғолиб чиқади.

Қувонтириб яна-да,
Учиради чанада.
Бўлинг, дея, қаҳрамон
Ўйнатади қорбўрон.

**Нақарот**

- «Совуқ кимни излайди» қўшиғида қандай белгилар учрайди?
- Берилган товуш қаторининг қайси пардалари орасида ярим товуш оралиғи борлигини аниқланг.

**Мусиқачи** – мусиқа соҳасида фаолият юритадиган мутахассис, касбий турда мусиқа билан шуғулланади. Улар: композитор, дирижёр, қўшиқчи, асбобда ижро этувчи ва ҳ.к

**Асбобли мусиқа** – махсус мусиқий асбобларда ижро этилишга мўлжалланган асар.

**5-топшириқ.** Идеялар ва ахборот тўпланг.

«Мусиқачи бўлгим келади» номли мусиқий ижодий иш ва унга тайёргарлик. Муаллим ўқувчиларни «Қўшиқчилар», «Раққосалар», «Дўмбирачилар», «Композиторлар» деган тўрт гуруҳга бўлиб, кейинги дарсга ўтиладиган топшириқларни бериб, бирга таҳлил қилади.

Ҳар бир гуруҳ иш йўналишига қараб интернет тармоғидан, кутубхона ва бошқа манбалардан қуйидаги топшириқлар бўйича ахборот излайди:

- Мутахассислик ва унинг хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот;
- Мутахассислик инсонга қандай касбий талаблар қўяди?
- Мутахассислик бўйича қандай таниқли инсонларни биласиз?
- Мутахассисликка боғлиқ қандай қўшиқ ва шеърларни биласиз?

16-дарс

## Мусиқачи бўлгим келади!

**1-топшириқ.** Ижодий иш. Тақдимот.

?! 1. Дарс давомида ўқувчилар мусиқий мутахассисликларга боғлиқ «Мусиқий мутахассисликлар ҳақида» видеотасма томоша қилади ва таҳлил қилади.

2. «Қўшиқчилар», «Раққосалар», «Дўмбирачилар», «Композиторлар» деган тўрт гуруҳга бўлинган ўқувчилар тайёрлаган топшириқлари бўйича тақдимот (презентация) ўтказади. Бажарилган ишлар қуйидаги талаблар бўйича баҳоланади:

- Касб ҳақида умумий маълумот;
- Касбингизнинг мутахассисига қўядиган касбий талаблари;
- Мутахассислик бўйича машҳур инсонлар билан таништириш (танлов бўйича қисқача ҳикоя, расмлар ёки тасвир/ аудио тасма ва ҳ.к );
- Мутахассислик ҳақида бир қўшиқ , шеър айтиб бериш, қизиқ ҳикоя ўқиб бериш ёки видеотасмаларни (интернет тармоғи, фонохрестоматия) кўрсатиш.
- Тақдимот охирида ҳар бир гуруҳ касбга тегишли бир банд импровизация (нуқта турган ерга, қолган сўзни қўйиб) тайёрлаб, қўшиқни ижро этиб беради.
- Ҳакамлар ҳайъати (икки-уч ўқувчи) тайёрлаган ҳар бир топшириқ бўйича баҳолаб, умумий баҳоларини чиқаради.

### 1-гуруҳ: «Қўшиқчилар»

| Қўшиқ | Сўзлар |
|---|---|
| 1. Турли-турли ... бор, | номи, оҳанги, жойи |
| Наъмунали... бор. | тили, ўрни, жойи |
| Кумуш ... аталган, | ҳалқум, товуш, қўшиғи |
| Ҳунаримни билиб ол. | – |
| Қўшиқчи бўлгим келади-ау. | – |

### 2-гуруҳ: «Раққосалар»

| Қўшиқ | Сўзлар |
|---|---|
| 2. Капалак бўлиб ..., | қўнаман, учаман, ўйнайман |
| Шара опамдай бўламан. | – |
| Мусиқанинг ..., | оҳангига, турига, куйига |
| Ҳаракат билан расм ..., | чизаман, ёзаман, ясайман |
| Раққоса бўлгим келади-ау. | – |

### 3-гуруҳ: «Дўмбирачилар»

| Қўшиқ | Сўзлар |
|---|---|
| 3. Гумбир, гумбир ..., | дўмбира, данғира, жетиген |
| Оҳангини ... этаман. | шерик, кучли, айтиб |
| Ҳазинасин ..., | халқимнинг, даланинг, одамнинг |
| Муқаддас деб биламан. | – |
| Дўмбирачи бўламан! | – |

### 4-гуруҳ: «Композиторлар»

| Қўшиқ | Сўзлар |
|---|---|
| 4. Коинот билан ..., | гаплашган, боғланган, сўзлашган |
| Турли ... боғланган. | куй билан, қўшиқ билан, товуш билан |
| Аждодлар руҳи покида, | – |
| Кудратли ... кашфиёти. | шахс, одам, вақт |
| Композитор бўламан! | – |

**Қўшиқчи** – қўшиқ билан шуғулланадиган мусиқачи, вокалли мусиқа ижрочиси.
**Дўмбирачи** – дўмбира асбобида ўйнайдиган мусиқачи.
**Композитор** (*лотинча-тузувчи*) – мусиқий асарларнинг муаллифи, мусиқа яратувчи одам.

**2-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

?!
- Ўрганган қўшиқларингизни такрорланг:
- Қўшиқ кайфиятига қараб ёқимли ижро этишга эътибор беринг.
- Қўшиқ мазмунини тақдимотда олган билимлари билан таққослаб, муҳокама қилиш.

**3-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Мавзу асосида топшириқларни қандай бажардим?
2. Тайёрлаган топшириқларнинг қайси томони тўғри, қайси томонини тўлиқтириш керак?
3. Бажарганда қандай қийинчиликлар учради?
4. Тақдимотимни қандай яхшироқ қилар эдим?

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | “Мутахассислик” деган сўзнинг маъноси қандай? | 1 | одам иш-ҳаракатининг асосий тури |
| | | 2 | ишлаётган одамларнинг номи |
| | | 3 | тантанали қўшиқ номи |
| | | | |
| 2 | “Касбим ҳақида мусиқий ҳикоя” асарининг муаллифи? | 1 | Б.Исқақов |
| | | 2 | Н.Хинков-Айтбаева |
| | | 3 | Ғ.Жубанова |
| | | | |
| 3 | Мусиқачи – бу ...– | 1 | кинорежиссёрнинг қўшимча номи |
| | | 2 | мусиқага ўйнайдиган раққоса |
| | | 3 | мусиқа соҳасида ишлайдиган мутахас-сис |
| | | | |
| 4 | Асбобли мусиқа – бу ... | 1 | қўшиқ ва рақсга бағишланган мусиқа |
| | | 2 | махсус мусиқа асбобига ёзилган асар |
| | | 3 | қўшиқ билан шуғулланадиган мусиқачи |
| | | | |
| 5 | Қўшиқчи – бу ... | 1 | қўшиқ билан шуғулланадиган мусиқачи |
| | | 2 | қўшиқнинг мусиқасини ёзадиган одам |
| | | 3 | қўшиқнинг қадимий номларининг бири |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Дўмбирачи деганимиз – | 1 | мусиқий асбобда жўрнаволик қиладиган жанр тури |
| | | 2 | дўмбира асбобида ўйнайдиган мусиқачи |
| | | 3 | рақс номи |
| | | | |
| 7 | Композитор деганимиз – | 1 | мусиқа мутахассиси |
| | | 2 | шеърий асарнинг муаллифи |
| | | 3 | мусиқани яратадиган мутахассис |

**2.** «Мамандығым – мақтаным» қўшиғининг биринчи ва тўртинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

1. Қызу ... қараңыз,
Ғимараттар ... .
Қанат ... күн сайын,
Құлпырады қаламыз.

2. Аспаз болсаң ...,
Одан ... не керек?
Дәмді, мәнді ...
Қуанышқа бөлемек.



**Бўлимдан:**

- турли кайфиятдаги мусиқа билан табиат ҳодисаларига боғлиқ мавзуларни, ахборотларни ўрганиб, таҳлил қилишни;
- мусиқий асардаги бадиий тасвир ва жанр турларини аниқлашни, таққослашни;
- тингланган мусиқий асарнинг, қўшиқнинг сифатини, мазмунини, бадиий воситаларини аниқлашни ва таққослашни;
- нота билан канон усулида қўшиқнинг оддий парчаларини ижро этишни;
- мусиқадаги табиат ҳодисаларининг тасвирини фарқлашни

**ўрганасиз.**

**Мусиқий саводхонлик:**

- асбобли мусиқа;
- дирижёр;
- интерпретация;
- концерт;
- опера;
- оркестр;
- партитура;
- симфоник оркестр;
- симфоник поэма;
- сюита.

**Атамалар ва терминлар:**

- асбобли мусиқа – аспаптық музыка – инструментальная музыка – instrumental music;
- дирижёр – дирижёр – дирижёр – conductor;
- концерт –концерт – концерт – concert;
- опера – опера – опера – opera;
- оркестр – оркестр – оркестр – orchestra;
- симфоник оркестр – симфониялық оркестр – симфонический оркестр – symphonic orchestra;
- симфоник поэма – симфониялық поэма – симфоническая поэма – symphonic poem;
- сюита – сюита – сюита – suite.

17-дарс

## Ватан тонгги

### *(Мусиқадаги тонг кўринишлари)*

**1-топшириқ.** Импровизация. Тажриба ва таҳлил қилинг.

Сиз турли мусиқий асар билан танишдингиз. Шу асарларни ёзишга композиторларга нима таъсир қилди деб ўйлайсиз? Биринчи ўйга келадиган нарса ижодкорлик, илҳом манбаи, тасаввур ва ҳаётга, халқига, туғилган юрти ва табиатига бўлган ватанпарварлиги. Сиз қандай ўйлайсиз?

Туғилган юртнинг мусаффо ҳавоси билан ажойиб табиати ҳар бир одамнинг ёдида мангу қолади. Қаерда бўлса ҳам, ўзига жалб қилади.

Композиторлар – қалби нозик одамлар. Биз, масалан, атрофимиздаги оламга, табиатга бўлган муҳаббатимизни сўз орқали етказамиз, улар эса мусиқа орқали тасвирлайди. Яхши мусиқани қайси миллат композитори ёзса ҳам, одамнинг юрагини қамрайди, ҳаяжонлантиради, маъюслантиради ҳамда шодлик бахш этади.

?! Видеотасмада ёзилган «Табиат ҳодисалари» мавзусига боғлиқ икки янги мусиқий асарнинг парчасини диққат билан тингланг. Номлари ҳозирча сиз учун яширин.

- Кўз олдингизда қандай кўринишлар намоён бўлди?
- Композицияларнинг боши қандай бошланади (нозик, бир оз ташвишли куйми ёки шовқинли мусиқа босим бўлиб турибдими)?
- Икки асар бир-бирига ўхшайдими ёки фарқлими?
- Мусиқанинг усулига қараб, ҳар бир асарга мавзу қўйинг ва нима учун шундай номлаганингизни тушунтириб беринг.
- Энди икки асарни видеотасмадан кўриб, таҳлил қилинг, сизнинг мавзуингиз билан тўғри келадими?

### Рассвет на Москве-реке («Москва дарёсида тонг»)

«Хованщина» операсига кириш

*(парча)*

*Мусиқасини ёзган: М. Мусоргский*

“Москва дарёсида тонг” операсида ороланиб отаётган тонгни тасвирлайди. Булутли куннинг очилиши,



минораларнинг аста-секин кўрина бошлаши, хўрознинг қичқириши, тонг отганини билдиргандай ибодатхона қўнғироғининг товуши эшитилади. Қуёш нурини сочиб, ибодатхонанининг минораларини ярақлатиб турибди. «Хованщина» операси – Москвадаги мерганлар қўзғолони ҳақида ёзилган асар.



**Модест Петрович** Мусоргский (1839–1881) – рус халқининг улуғ композитори. Псков шаҳридаги Карево қишлоғида дунёга келган. Болалик чоғини ўрмонда, кўл ёқасида ўтказди. Унинг мусиқадаги биринчи устози онаси бўлди. Онаси кичкина Модестга пианино асбобини чалишни ўргатди. Туғилган юртининг табиат кўринишлари, халқ қўшиқлари бола юрагида узоқ сақланиб қолди. Кейин у ўз асарларида мана шу эсдаликларни тасвирлади. Масалан, унинг «Хованщина» операсини бутун дунё яхши билади.

?! М.Мусоргскийнинг “Утро на Москве -реке” (“Москва дарёсида тонг”) кириш қисмининг асосий куйини синфингиз билан бирга, муаллимнинг дирижёрлик ҳаракатларига қараб, “ля” нотасига солиб ижро қилинг.

Соло



- Куйни қандай штрих орқали ижро қилиш мумкин?
- Куй қандай суръатда ва товуш кучида (динамика) ижро этилади?
- Опера мусиқа жанрини қандай тушунасиз?

## Утро (“Тонг”)

*(“Пер Гюнт” сюита парчасининг асосий оҳанги)*

*Мусиқасини ёзган: Э.Григ*

Соло



?! Э.Григнинг сюитасидан олинган “Утро ” (“Тонг”) асосий куйини синфингиз билан бирга, муаллимнинг дирижёрлик ҳаракатларига қараб, “ля” нотасига солиб ижро қилинг.

- Нотада кўрсатилган темп ва товуш кучини фойдаланиб, куйни ажойиб усулда ҳиргойи қилиб куйланг.
- Куйни қўшиқни ижро қилиш талабларига риоя қилган ҳолда нота билан айтиб кўринг.
- Сюита мусиқа жанрини қандай тушунасиз?



**Эдвард Григ** (1843–1907) – Норвегиянинг машҳур композитори, пианиночи, дирижёр. Унинг ижодий ишларига айниқса, Норвегиянинг миллий маданиятига катта ҳисса қўшган. Григ ёшлигидан мусиқани яхши кўриб ўсди. Онасининг ёрдами билан пианино чалишни ўрганиб, 14 ёшида Лейпциг шаҳридаги консерваторияга тушиб ўқиди. Э.Григ фақат ўз элигагина эмас, бутун дунёга машҳур композитор.

“Пер Гюнт” сюитаси – жаҳонга таниқли асарларининг бири. Композитор ўзи туғилган юрт табиатини, тонг шуъласини мана шу сюитанинг “Тонг” композициясида мусиқий бадиий воситалар орқали ажойиб тасвирлаган.

**2-топшириқ.** Тингланг. Ахборот топинг. Ижро қилинг.

## Ватан тонги

*Мусиқасини ёзган: С.Еркимбеков*



**Серик Еркимбеков** – таниқли композитор, ҚР меҳнат қаҳрамони. У мана шу мусиқий асарини "Ватан тонги" деб атаган.

?! Асарнинг икки нусхасини тинглаб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Композитор асарни нега "Ватан тонги" деб атаган? Мусиқанинг номи сизга қандай таъсир қилди? Кўз олдингизда нималар намоён бўлди?
- У туғилган юртининг гўзаллигини қандай мусиқий бадиий воситалар орқали тасвирлади?
- Асарнинг икки турли ижро нусхасини таққосланг. Ўхшашлиги ва фарқини топиб, тушунганингизни айтиб беринг.
- "Интерпретация" сўзи қандай маънони англатади?
- Асарнинг асосий куйини синфингиз билан бирга, муаллимнинг қўшиқ ижро қилиш талабларига мос, "ля" нотасига солиб ижро қилинг.

Соло




- Композитор асосий оҳангда қандай штрихни фойдаланган?
- Нотада уч сони билан белгиланиб, лига билан берилган ноталар – “триоль” деб аталади.

**3-топшириқ.** Тадқиқот. Таҳлил.

?! Тинглаган уч асарга: М.Мусоргскийнинг “Рассвет на Москве-реке”, Э.Григнинг “Утро” ва С.Еркимбековнинг “Ватан тонги” асарларини ўрганиб, бир-бири билан таққосланг ва таҳлил қилинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Асарларнинг бир-бири билан ўхшашлиги ва фарқи нимада? Жадвал, расм,чизма, пантомима орқали кўрсатинг.
- Композиторлар туғилган юртига бўлган муҳаббатини қандай ифодалаган?
- Тинглаган асарлар сизга нимаси билан ёқди ва қандай таассурот қолдирди?

**4-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.

## Дос болайық бәріміз

*Сўзини ёзган: Х.Талғаров*
*Мусиқасини ёзган: И.Нусипбаев*

1. Әрқашан дос, біргеміз,
Ажырамас іргеміз,
Ілгері жүріңдер.
Достық жырын біліңдер,
Ту ғып ұстап бірлікті,
Еңбекті сүйіңдер!

*Қайырмасы:*

Дос болайық бәріміз,
Жарасып тұр әніміз.
Тыныштықты сақтаймыз,
Атсын күліп таңымыз!

2. Қайраттанып, қарышта,
Озып шыққан жарыста,

Батыл бас, жас ұлан!
Самға биік, алысқа,
Жұлдыздарға, ғарышқа,
Бойда күш тасыған.

3. Отан – біздің панамыз,
Аман жүрсін анамыз,
Нұрлы күн сөнбесін.
Бақыт болып жанамыз,
Жарық біздің санамыз,
Қара бұлт төнбесін.

?! Қўшиқни бошидан охиригача тинглаб, синфингиз билан мазмунини таҳлил қилинг.

- Қўшиқнинг кайфиятига, бадиий қуролларига, матн мазмунига эътибор бериб, тушунганингизни айтинг.
- Муаллим кўрсатган талаблар бўйича қўшиқни ўрганинг.

**Опера** – мусиқа санъатининг жанри. У вокалли ва асбобли мусиқа, драматургия (хореография/балет), тасвирий санъат (декорация, костюм) бирлашмасидан ташкил топган театр асари.

**Жанр** – мусиқа асарларининг тури.

Операнинг кириш қисми (увертюра) – мусиқий спектаклга асбобли кириш.

**Либретто** – операнинг ёзма қисқача мазмуни.

**Сюита** – турли ғояларни ўз ичига олган мусиқий композиция. Француз сўзидан олганда “қатор”, “биридан сўнг бири” деган тартиб атамаларини билдиради.

**Асбобли мусиқа** – махсус мусиқий асбобларда ижро этиш учун ёзилган асар

**Интерпретация** – мусиқачи-ижрочи томонидан мусиқий композициялар ижроси пайтидаги бадиий шарҳ. Лотин тилидан олганда “тушунтириш” деган маънони билдиради.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшироқ қилишим мумкин?

## 18-дарс Мусиқадаги табиат ҳодисалари

**1-топшириқ.** Импровизация.

?! Сиз дарс давомида мусиқадаги сув, шамол, олов, табиат ҳодисалари билан танишасиз. Олов бизнинг ҳаётимизда жуда муҳим. Инсон оловсиз яшай олмайди. Олов қадимдан ҳаётнинг ҳамда иссиқликнинг белгиси бўлиб ҳисобланади.

- Инсон ҳаётида оловнинг қандай аҳамияти бор?
- Оловнинг фойдаси ва зиёни қандай?
- Оловдан сақланиш учун одам нима қилиши керак?
- Оловга тегишли қандай қўшиқ ва топишмоқлар биласиз?

**2-топшириқ.** Мусиқа тингланг. Тадқиқот ва таҳлил қилинг.

### Прометей

*(“Поэма огня” – “Олов ҳақида поэма” симфоник поэмасидан парча)*

*Мусиқасини ёзган: А.Н. Скрябин*



А.Н. Скрябиннинг “Прометей” (“Поэма огня”) симфоник поэмаси 1910 й. ёзилган. Илмий маълумотларга қараганда поэманинг асосига Прометей ҳақида қадимий юнон афсонаси олинган. Афсонага кўра, Прометей Олимпдан оловни рухсатсиз олиб кетиб, одамларга берган. У одамларни нодонликдан қутқариб, меҳнатга ундаган, кўп ёрдам берган. Олимпдаги подшолар бу нарсани кечирмай, Прометейни қояларга абадий бойлаб қўйган.

А.Н. Скрябиннинг ўзига хослиги – у мусиқани турли ранглар орқали ҳис қилади. У мана шу асарни ижро этиш учун симфоник оркестр таркибига хор ва “ёруғ партия” партитурасини киритган. Композиторнинг фикрича, мусиқа билан бирга турли рангларни прожектор нурлари алмаштириб туриши керак.

“Прометей” симфоник поэмаси – бир қисмли симфоник асар.

?! Тинглаганда:
- Поэманинг ижросига: турли рангларнинг алмашишига, хорнинг ижросига, пианиночининг чалишига эътибор беринг.
- Асар оловнинг тасвирини кўрсата олдими?
- Дирижёрнинг усталигини, жамоани бошқара оладиган қобилиятини қандай ҳаракат орқали тушуниш мумкин?
- Поэманинг ижроси давомида ижрочиларнинг бирлигини, ҳамжиҳатлигини сезиш мумкинми?

## Олов рақси

*Мусиқасини ёзган: С.Еркимбеков*



?! Композитор асарида оловнинг тасвирини тасвирлай олдими?
- Мусиқада қозоқ халқининг миллий услуби сезилдими?
- Шу асарни “Прометей” поэмаси билан таққослаганда, фарқи билан бирлигини нимадан кўриш мумкин?
- Оловнинг тасвирини яна қандай санъат орқали кўриш мумкин? Катакчалардан топинг:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Р | | | С |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Р | | | М |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| П | | | | Я |

**3-топшириқ.** Ижодий иш. Ахборот топинг ва таҳлил қилинг.

### Олов тасвири
*(ўйин)*

*Қоидаси.* Ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади: “Рақкосалар”, “Рассомлар”, “Шоирлар”. Ҳар бир гуруҳ йўналиши бўйича ўт, олов ҳақида ахборот қидиради, таҳлил қилади. “Рақкосалар” оловга ўхшаб рақсга тушади, “Рассомлар” расм чизади, “Шоирлар” топишмоқ ва шеърлар тайёрлайди.

Ўйиннинг биринчи бўлимининг охирини саҳна кўриниши орқали кўрсатишга тайёрланади.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида муаллим ўқувчиларга ўйин мавзусига мос:

1. “Олов рақси”. Видеотасмани (157-бет) кўрсатади.
2. Рус рассоми Н.Богданов -Бельскийнинг “У костра” расмини (157-бет) кўрсатади.

Ўқувчилар кўриб, таҳлил қилади, фикрларини айтади.

**4-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро қилинг.

### Жел

*Сўзини ёзган: Н.Алимқулов*
*Мусиқасини ёзган: М.Мангитаев*

1. Тау жағалай жел ессе,
Қалың орман шулайды.
Су бетіне ол жетсе,
Теңіз толқып тулайды.



2. Жел бір кетсе бұрқанып,
Жапырақты жылатар.
Тамырымен қопарып,
Ағашты да құлатар.

3. Жығамын деп мені де ол,
Бұрқанады, төнеді.
Бірақ мені долы жел
Құлата алмай келеді.

?!
- Қўшиқ мазмунига эътибор беринг. Нима ҳақида айтилади?
- Қўшиқнинг икки бандини ўрганинг, қўшиқни ижро этиш талабларини сақланг.
- Шу қўшиқни “Олов рақси” билан таққосланг, ўхшашлиги ва фарқини топиб, тушунча беринг.

**Симфоник поэма** – бир қисмли, симфоник мусиқа жанри, оркестрга мўлжалланган дастурли асар.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга учрадим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

**19-дарс**

## Мусиқадаги табиат ҳодисалари
*(давоми)*

**1-топшириқ.** Импровизация.

?! “Сувсиз ҳаёт йўқ”, “Шамол ҳавони тозалайди” деган нақлларни эшитганмисиз? Ҳар бир табиат ҳодисаларининг инсон ҳаётида ўз ўрни бор.

- Одам ҳаётида сув билан шамол қандай ўрин эгаллайди?
- Сувнинг фойдаси билан зиёни қандай?
- Шамолнинг қандай турларини биласиз?
- Сув офатидан сақланиш учун нима қилиш керак?
- Сув билан шамолга боғлиқ қандай топишмоқ ва қўшиқлар биласиз?

**2-топшириқ.** Тадқиқот ва таҳлил қилинг.

### Ёмғир

*Сўзини ёзган Қамбар Ота*
*Мусиқасини ёзган М.Насимов*

Ер чанқоғин қондирган
Ёмғир бўлсам ярашар,
Ўт-ўланни яшнатиб,
Яйраб кулсам ярашар...
Денгизга ҳаёт берган
Дарё бўлгим келади,
Нур истасанг қуёшли
Дунё бўлгим келади.

- Қўшиқни тинглаб, синфингиз билан бирга мазмунини таҳлил қилинг?
- Қўшиқ қандай суръатда айтилган, тушунганингизни айтинг?
- Муаллим кўрсатган талаблар асосида қўшиқни ўрганинг.

**3-топширик.** Тадқиқот ва таҳлил қилинг.



**Қамбар Ўтаев** – (1941–2016) табиатан табиатни эъзозлайдиган, гўзал шеър, қўшиқ ва достонлар яратиб келаётган ажойиб шоирлардан бири Қамбар Отадир.

Қамбар Ота табиат ва болани бирдек яхши кўради. Ҳаётда булар тарбияга, меҳр-мурувватга муҳтож деб билади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ахир бир ниҳолни ерга экиб, унинг остини юмшатиб, танасини оқлаб, кераксиз шохларини кесиб, сув қуйиб турмасангиз у ҳеч қачон дарахт бўлмагани каби чақалоқликдан бошлаб унга одоб-ахлоқни ўргатиб, таълим – тарбия бермасангиз бола ҳам эл-юрт орзу қилгандек инсон бўлиб улғаймаслиги мумкин. Бир сўз билан айтганда, кичкинтойларнинг меҳрибон шоири Қамбар Отанинг бутун ижоди болалар тарбияси ва табиат ҳимоясига бағишланган.

**«Күзгі жел».** *И.В. Ломанова*

**4-топширик.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро қилинг.

?! "Жел" (қўшиғини ёзган: Н.Алимқулов, сўзини ёзган: М.Манғитаев) қўшиғи билан ишингизни давом эттиринг.

- Қўшиқни ифодали ижро қилишга ҳаракат қилинг.
- Шу қўшиқнинг биринчи бандини "канон" усулида айтинг.

Қуйидаги жадвалга қараб, синфингиз билан ижро қилинг:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1-гуруҳ | Тау жағалай жел ессе, | Қалың орман шулайды. | Су бетіне ол жетсе, |
| 2-гуруҳ | пауза | Тау жағалай жел ессе, | Қалың орман шулайды. |

Соло




| | | |
|---|---|---|
| 1-гуруҳ | Теңіз толқын тулайды. | пауза |
| 2-гуруҳ | Су бетіне ол жетсе, | Теңіз толқын тулайды. |

**5-тапсырма.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга учрадим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

20-дарс

## Мусиқадаги йил фасллари

**1-топшириқ.** Импровизация.

Табиатнинг бир ажойиб қудрати – тўрт фаслнинг (қиш, баҳор, ёз, куз) биридан кейин бирининг алмашиб келиши. Ҳар бир фасл ўзининг мавсумийлик қонуниятлари бўйича ўзгариб туради. Сиз буни “Дунётаниш” дарсидан биласиз. Ҳар фасл ўзига хос ажойиб хусусиятлари билан одамларни ўзига жалб қилади, хаёлларни узоқ-узоқларга етаклаб, ижодий илҳом чақиради. Йил фаслларига бағишлаб қанчадан-қанча топишмоқлар, шеър ва қўшиқлар, мусиқий асарлар ёзилган.

Бу дарсда мавзуга боғлиқ ватанимизнинг ҳамда чет эл классик композиторларининг асарлари билан танишасиз.

Улардан бири – Антонио Вивальди.



**Антонио Вивальди** (1678–1741) – итальян композитори, жуда маҳоратли скрипкачи, педагог, дирижёр, католик ибодатхонасининг руҳонийси. Венеция шаҳрида дунёга келган. 40-га яқин операнинг муаллифи. Жуда кўп турли жанрдаги асарлар ёзган. У –шу замондаги италия скрипка санъатидаги энг катта вакилларидан бири. Асбобли концертлар, айниқса скрипкага бағишланган концертлар уни дунёга машҳур қилди.

Асарларининг ичида энг таниқлиси – “Йил фасллари” номли скрипкали тўрт концерти.

**2-топшириқ.** Тингланг. Тадқиқот. Ахборот топинг.

### “Тўрт йил фасли”

*(концертлар циклидан олинган парчалар)*

*Мусиқасини ёзган: А. Вивальди*









*Қоидаси.* Гуруҳ билан иш. Топшириқ бошида синф билан бирга А. Вивальдининг “Йил фасллари” концертидан тўрт асар парчаларини тинглайсиз: “Баҳор” (“Баҳор келди”), “Ёз” (“Ёзги чақмоқ”), “Куз” (“Йиғим-терим”), “Қиш” (“Декабрь”).

Йил фасллари номлари бўйича тўрт гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ тегишли топшириқларни бажаради.

?!
- “Асбобга бағишланган концерт” нима?
- “Скрипкали концерт” деганда нимани тушунасиз?
- А. Вивальдининг ҳар бир скрипкали концерти қандай аталади?
- Ҳар бир концерт қанча қисмдан иборат? Ҳар қисми ойлар бўйича қандай аталади?

**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро қилинг.

## Шат көңіл

*Сўзини ёзган: Б.Тажибаев*
*Мусиқасини ёзган: С. Еркимбаев*



1. Аялаймыз ақ сәуле,
   Ағарып таң атқанда.
   Шаттанамыз ақ күнге,
   Шалқып шыққан шақтарда.

2. Аспанды да сүйеміз,
   Айдан алқа таққанда.
   Сауық-сайран құрамыз,
   Жайқалған гүл бақтарда.

3. Қуанамыз ақ толқын
Ойнақтаумен аққанда.
Мәпелейміз ақ гүлді,
Көктемде көз тартқанда.

?! • Қўшиқни бошидан охиригача тинглаб, синфингиз билан бирга таҳлил қилинг.
• Қўшиқ кайфиятига, бадиий воситаларига, матн мазмунига эътибор беринг.
• Энди вальс суръатига, мазмунига қараб ифодали, ёқимли ижро этинг.
• Гуруҳга бўлиниб, синф билан бирга «Қўшиқни ёқимли ижро қилайлик» мавзусида мусобақа ўтказинг.

**Оркестр** – мусиқий композицияларни ижро этадиган кўпгина мусиқий асбоблар жамоаси.

**Симфоник оркестр** – симфоник мусиқий асарларни ижро этадиган санъаткорларнинг катта жамоаси.

**Дирижёр** – ( французча – бошқариш, назорат қилиш) санъаткор-ижрочилар жамоасини бошқарувчи. Композициянинг ажойиб ижро этилишига жавоб беради.

**Партитура** – оркестр асбобларидаги ҳамма партияларнинг тўлиқ нотали ёзмаси.

**Клавир** – оркестр мусиқасининг ижрочиси билан фортепианога мослаштириш усули.

**Концерт** (1-маъноси) – халқ олдида мусиқий ва бошқа асарларнинг ижро этилиши.

**Концерт** (2-маъноси) – оркестр жўрлигида якка асбобга мўлжалланган мусиқий асар.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

## 21-дарс Мусиқадаги йил фасллари
*(давоми)*

**1-топшириқ.** Импровизация

Йил фаслларига боғлиқ қўшиқлар ва мусиқий асарлар жуда кўп. Масалан, дўмбирачи, композитор Толапберген Тоқжановнинг “Йил ўн икки ой” номли дўмбирага бағишланган пьесалари бор. Унда ўн икки ойнинг хусусиятлари тасвирланган.

### “Сирли оҳанглар”
*(ўйин)*

***Қоидаси.*** Ўтирган қаторларингиз бўйича уч гуруҳга бўлининглар. Тингланадиган мусиқа асосида рангли қоғозлар билан қуйидаги: “Февраль - Мойиллик” (оқ), “Сентябрь – Кузги тўй” (сариқ), “Апрель – Кўкламги томчилар” (яшил), “Июнь – Ёз рақси” (қизил) кўрсатинг. Асар номлари хаттахтада ёзилиб туради. Аталган ҳар бир пьесанинг видеотасмасини тинглаб, мусиқанинг ижросига мос қўлингиздаги рангларни кўрсатасиз.

Муаллим мусиқа тартибини алмаштириб эшиттиради.

Ҳакамлар ҳайъати (икки-уч ўқувчи) пьесалар ижро этилган вақтда кўрсатган қоғозларни ранги бўйича санаб, хаттахтадаги жадвалга ёзиб қўяди. Мусиқанинг ижро тартибига қараб, қайси гуруҳ тўғри келадиган рангларни кўпроқ кўрсатса, шу гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

?! Ўтилган дарсдаги А. Вивальдининг таниш композициялари ҳамда Т. Тоқжановнинг тинглаган пьесаларини таққослаб, қуйидагиларнинг фарқи ва ўхшашлигини топинг:
- мусиқаларнинг номлари;
- мазмунининг бадиийлиги (композитор қандай бадиий қуролларни фойдаланди);
- композицияларнинг ижро хусусиятлари;
- ҳажми;
- куйларнинг миллий услуби.

**2-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

## Жау-жау, жаңбыр!

*Сўзини ёзган: Ш.Сариев*
*Мусиқасини ёзган: К. Дуйсекеев*

1. Алатаудың бауырына,
Атам, әжем ауылына,
Ақша бұлттар, ауа берші,
Жау-жау, жаңбыр, жауа берші.

*Қайырмасы:* Бақыт болып жаушы, жаңбыр,
Менің әсем қалама.
Бақыт болып жаушы, жаңбыр,
Менің байтақ далама,
Менің әсем қалама,
Менің байтақ далама.

2. Алматыдай астанама,
Жасыл желек, жас қалама,
Ақша бұлттар, ауа берші,
Жау-жау, жаңбыр, жауа берші.

*Қайырмасы:* Бақыт болып жаушы, жаңбыр,
Менің әсем қалама.
Бақыт болып жаушы, жаңбыр,
Менің байтақ далама,
Менің әсем қалама,



?! • Бу қўшиқ сизга 2-синфдан таниш. Қўшиқ нима ҳақида?

• Қўшиқни ижро этиш давомида муаллимнинг дирижёрлик ҳаракатларига эътибор беринг.

• Қўшиқни ифодали, чиройли ижро этинг.

• Қўшиқни навбатма-навбат ижро этиш ҳам мумкин. Масалан, уч гуруҳга бўлинган ўқувчилар сатрларни қуйидагича усулда айтади:

**1-гуруҳ:** Алатаудың бауырына,
**2-гуруҳ:** Атам, әжем ауылына,
**3-гуруҳ:** Ақша бұлттар, ауа берші,
**Биргаликда:** Жау-жау, жаңбыр, жауа берші.

• Қўшиқ ижросининг яна бир усули – “канон” усулида айтиш. Биринчи мавзуда “Дархан Дала” қўшиғининг нақароти шу усул бўйича айтилди.

• Янги қўшиқнинг биринчи бандини “канон” усулида айтиб кўринг. Қуйидаги жадвал асосида синфдошларингиз билан бирга ижро этинг:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1-гуруҳ** | Алатаудың бауырына, | Атам, әжем ауылына, | Ақша бұлттар, ауа берші, |
| **2-гуруҳ** | пауза | Алатаудың бауырына, | Атам, әжем ауылына, |

| | | |
|---|---|---|
| **1-гуруҳ** | Жау-жау, жаңбыр, жауа берші. | пауза |
| **2-гуруҳ** | Ақша бұлттар, ауа берші, | Жау-жау, жаңбыр, жауа берші. |

**3-топшириқ.** Тингланг. Ахборот топинг.

### “Мусиқий асбобни топинг”
*(ўйин-викторина)*

***Қоидаси.*** Видеотасма орқали билимингизни мустақил текширинг. Муаллим берган жадвалдаги асбобларнинг номларини белгиланг.

***Ўйин тартиби:*** Видеотасмадан асбобнинг оҳанги эшитилади, лекин асбобнинг ўзи кўринмайди. Ундан кейин интерактив тахтада “ Қайси асбобнинг оҳанги” деган савол белгиси чиқади. Жадвалда берилган асбоб номлари орасидан тўғри деб ҳисоблаган номни топиб, сон билан белгиланг. Шундан кейин интерактив тахтада асбобнинг ўзи кўрсатилади. Ўйиннинг охирида натижани синфдошларингиз билан бирга таҳлил қилинг.

## Асбоблар



литавра



арфа



скрипка



рояль



контрабас



гобой



флейта



кларнет

**4-топшириқ.** Баҳолаш..

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | **Савол** | **Жавоб** | |
|---|---|---|---|
| 1 | “Рассвет на Москве” мусиқасини ёзган | 1 | П. Чайковский |
| | | 2 | М. Мусоргский |
| | | 3 | М. Глинка |
| | | | |
| 2 | Эдвард Григ | 1 | Норвегия композитори |
| | | 2 | Россия композитори |
| | | 3 | Словения композитори |
| | | | |
| 3 | Опера – | 1 | қўшиқ жанрига мўлжалланган асар |
| | | 2 | хор билан ижро этиладиган ҳажмли асар |
| | | 3 | мусиқа санъатининг жанри |
| | | | |
| 4 | Дирижёр – | 1 | симфоник оркестрнинг бош директори |
| | | 2 | мусиқачи-санъаткорларнинг жамоаси-ни бошқарувчи мутахассис |
| | | 3 | қўшиқчиларни ўқитадиган мутахассис |
| | | | |
| 5 | Оркестр – | 1 | мусиқий асарларни ижро этадиган кўпгина мусиқа асбобларининг жамоаси |
| | | 2 | санъаткорлар жамоаси |
| | | 3 | кўплаган санъаткорлар гуруҳи |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Симфоник поэма – | 1 | бир бўлимли, симфоник оркестрга мўлжалланган дастурли асар |
| | | 2 | оркестр жўрлигида ижро этиладиган асар |
| | | 3 | уч бўлимли, ҳажмли мусиқий асар |
| | | | |
| 7 | Сюита – | 1 | мусиқий жанр номи |
| | | 2 | умумий ғояга йўналтирилган, турли пьесадан тузилган мусиқий асар |
| | | 3 | қўшиқлар тўплами |

**2.** «Шат көңіл» қўшиғининг биринчи ва тўртинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

Аялаймыз ...,
Ағарып ... атқанда.
Шаттанамыз ақ ...,
Шалқып ... шақтарда.

**3.** «Жел» қўшиғининг биринчи ва тўртинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

Тау жағалай жел ...,
Қалың ... шулайды.
Су ... ол жетсе,
Теңіз ... тулайды.

**4.** «Жау-жау жаңбыр!» қўшиғининг биринчи ва тўртинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

Алатаудың ...,
Атам, ... ауылына,
Ақша ..., ауа берші,
Жау-жау, жаңбыр, ... берші.



# АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**Бўлимдан:**

- турли кайфиятдаги мусиқа билан атрофимиздаги оламга боғлиқ мавзуларни, маълумотларни ўрганиш ва муҳокама қилиш;
- мусиқий композициядаги бадиий тасвир ҳамда жанр турларини аниқлашни ва таққослашни;
- тингланган мусиқий композициянинг, қўшиқнинг сифатини, мазмунини, бадиий қуролларини аниқлашни ва таққослашни;
- нота, канон ҳамда енгил усулда икки оҳангли қўшиқларнинг оддий парчаларини ижро этишни;
- мусиқадаги атрофимиздаги оламни муҳофаза қилиш ҳақида билим олиб, уларни фарқлашни

ўрганасиз.

**Мусиқий саводхонлик:**

- балет;
- қўшиқ;
- қаҳрамон;
- кўриниш;
- реквием;
- терма.

**Атамалар ва терминлар:**

- балет – балет – балет – ballet;
- қўшиқ – ән – песня – song;
- қаҳрамон – кейіпкер – персонаж – the character;
- кўриниш – көрініс – картина – picture;
- реквием – реквием – реквием – requiem;
- терма – терме – терме – terme.

22-дарс

## Орол тақдири – эл тақдири

**1-топшириқ.** Импровизация.

Орол денгизи тақдири – энг долзарб масалалардан бири. Орол денгизининг қуриши инсоният тарихидаги дунёнинг энг йирик экологик фожиаларидан бири бўлди. Саҳрога айланган денгиз тубидаги тузлар, қум-чанг ва заҳарли ўғитлар инсон ҳаёти ва табиатни хавф остига қўйган.

Мутахассисларнинг таҳлил натижаларига кўра, ҳар йили денгиз ўрнидаги саҳродан 100-150 миллион тоннадан кўпроқ чанг-туз осмонга кўтарила бошлаган.

Бунинг натижасида саратон касаллиги турлари кўпайган, ўпка ва юрак касалликлари авж олган.

Орол масаласи нафақат бизнинг Қозоғистон, балки бошқа мамлакатларда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Оролни ўрганаётган ватанимизнинг ва чет эл олимлари уни қайта тўлдириш йўлларини изламоқда.

?! “Орол тақдири – юрт тақдири”, “Орол тақдири – инсон тақдири” деган гапларни қандай тушунасиз?

- Ҳозирги кунда Орол масаласи ечимини топишдими?
- Орол билан сув масалаларининг боғлиқлиги борми?
- Оролни модернизациялаш учун сиз нима қилишга тайёрсиз?
- 3-синфдан таниш Оролга боғлиқ мусиқий композицияларни ёдингизга туширинг.

### Арал тағдыры

*Қ. Сайжан мусиқаси*



?! • Куйнинг ижро этилиш усули қандай? Композитор тингловчига қандай ғояни етказишга ҳаракат қилган?
• Куйнинг ижроси одамнинг қандай ҳиссиётларини тебратади?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ғамгинлик | қувонч | ғазаб | муҳаббат | умид | ишонч |
| меҳрибонлик | рахмлилик | ахлоқсизлик | хушмуомалалик | фаросатлилик | ҳаётга муҳаббат |

• Куйнинг мазмунини расм, кичик ҳикоя ёки пантомима орқали кўрсата оласизми?
• Орол денгизи ҳақида қандай пейзаж картиналарни, шеър-топишмоқлар, терма ва қўшиқлар биласиз?

**2-топшириқ.** Тадқиқот ўтказинг ва ахборот топинг.

Биринчи марта украинанинг машҳур шоири ва рассоми Тарас Шевченко Орол ҳақида пейзаж чизган. Фақат расм чизиш билан шуғулланмай, у ажойиб шоир бўлган.



**Тарас Григорьевич Шевченко** (1814–1861) 1838 йили Санкт-Петербург шаҳрининг Рассомчилик академиясини битирди.

Тарихий маълумотларга кўра, у 1848 йили А.И. Бутаковнинг раҳбарлигида Орол денгизини ўрганиш экспедициясида қатнашиб, 350 дан ортиқ пейзаж, портрет яратди. Шу вақтларда қозоқ халқи билан яхши муносабатда бўлиб, юрагининг кенглиги билан уларни ўзига қаратган. У қозоқ даласини энг биринчи марта ажойиб тасвирлаган. Қозоғистонда унинг меҳнатини баҳолаб, номини шаҳар кўчаларига берган. Манғистов вилояти Тупқараған туманининг маркази “Форт-Шевченко” деб аталади.

?! • Т.Шевченко Орол денгизининг расмини қайси вақтда чизган?
• Қозоқ ерини катта эҳтирос билан тасвирлаган рассомнинг икки пейзажини таққосланг: “Қўшоролда ойдин тун” (“Лунная ночь на Косарале”), “Қўшоролдаги рус кемалари” (“Шхуны возле Косарала”).



“Қўшоролдаги рус кемалари” (1848–1849)



*“Қўшоролда ойдин тун” (1848–1849)*

- Расмларни қандай мусиқий бадиий қуроллар:
– *суръат (тез , тезкор, ўртача, аста, аста-секин)*;
– *динамик белгилар (форте, пиано, диминуэндо, крешендо)*;
– *мажор, минор орқали тасвирлаш мумкин*?
- Т.Шевченко ҳақида интернет тармоғидан топган қўшимча маълумотни гуруҳда таҳлил қилинг ва синфдошларингизга ҳикоя қилиб беринг.

**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро этинг.

**Аралым**

*Сўзини ёзган: Ж.Матенали*
*Мусиқасини ёзган: Н.Алғашбаев*

1. Жағанда толқын ойнап жатушы еді,
Өзіңді Күн де қимай батушы еді.

Аспанда шалқып ұшқан аққу, құстар,
Шаттана өзіңе тіл қатушы еді.

2. Нұры ойнап ай сәулелі айдынында,
Талайлар қызығушы еді байлығына.
Аралым, айналайын, сырым менің,
Қандай күш салған сені қайғы-мұңға?

?! • Қўшиқ мазмунига эътибор беринг. Муаллифлар Оролнинг аввалги вақтдаги чиройли кўринишларини ва унинг келажаги ҳақидаги армонларини қандай сўзлар билан ифодалаган?

• Т. Шевченконинг пейзажлари билан таққосланг, фарқи билан боғлиқлигини топиб, тушунганингизни айтинг.

• Қўшиқнинг биринчи бандидаги «Жағанда толқын ойнап жатушы еді» деган биринчи сатрини муаллимнинг ёрдамида икки хил оҳангда ижро этишга ўрганинг:

Соло




**4-топшириқ.** Мусиқа тингланг ва таҳлил қилинг.

**Аралым – айдын шалқарым**

*А. Махановнинг термаси*



?! Видеотасмадан А. Махановнинг термасини тингланг, мазмунига эътибор беринг.

- Ижрочи термани қандай кайфиятда ижро қилди?
- Терма дегани нима?
- Терма билан қўшиқнинг фарқи нимада?

Терма – қозоқ, ўзбек, қирғиз халқ поэзиясида яратилган лирик шеърият тури.
У насиҳат, ўгит мазмунидаги сўзлардан тузилади. Термада кўпинча кундалик турмуш тарзига боғлиқ фактлар айтилади. Термада сўз билан куй қаторлашиб келгани учун, у синхронлаштириш санъатига киради. Терма кўпинча дўмбира асбобининг жўрлигида ижро этилади.
Қўшиқ – вокал мусиқасининг энг оддий, кенг тарқалган тури. У шеъриятдан (шеър) ва куйдан иборат.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

23-дарс

## Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз!

**1-топшириқ.** Импровизация.

Қанча йиллар ўтса ҳам, ядровий портлашлар масаласи, унинг оқибатлари, зардоб чекаётган сон-саноқсиз одамлар, уларнинг тақдири ва соғлиги халқимизни ўйлантиради. Элимизнинг келажаги ёрқин бўлсин, бундай хавфли вазият учрамасин деб қанча ҳаракатлар қилиняпти. Бизнинг Қозоғистонимизни «ядровий қуролсиз минтақа» деб 1991 йили 28 августда Декларация қабуллангани ҳақида видеотасмадан кўрдингиз. Юртимиз олдига қўйган мақсадига

етди. Семей полигони ёпилиб, ядровий қуролдан бош тортиш ҳаракатини давом эттирди.

?! «Дунётаниш» дарсидан экологик масалалардан бири – атрофимиздаги оламнинг тозалигини сақлаш эканини билиб олдингиз.
- Интернет тармоғидан, энциклопедиялардан, китоблардан дарс мавзусига боғлиқ маълумотлар топинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- Семей полигонининг ёпилиши экология масаласини ҳал қила олдими?
- «Невада-Семей» ҳаракати қайси йили ўз ишини бошлади?
- Нима учун «Невада-Семей» ҳаракати деб аталди?
- Бу кўзғолонни ким бошқарган?
- Семей полигонини ёпиш ҳақидаги Қарор кимнинг бошчилиги билан чиқди?
- Видеотасмадаги «Заман-ай» қўшиғини синфда тингланг. Бу қўшиқнинг тўнғич ижрочиси – бизнинг элимизга таниқли қозоқ эстрада санъаткори, Қозоғистон халқ артисти Роза Римбаевадир. Қўшиқчи Роза Қуанишқизи Семей минтақасида туғилиб ўсган.

**2-топшириқ.** Тингланг.

### Заман-ай

*Сўзини ёзган: У. Есдаулет*
*Мусиқасини ёзган: Т. Мухамеджанов*

?! • Қўшиқнинг мазмунига ва ижро этилишига эътибор беринг. Қандай масала ҳақида ёзилган?
• Бу қўшиқ қандай кайфиятда ижро этилди? Катакчалардан тўғри деган сўзларни белгилаб, тушунганингизни айтиб беринг:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| қайғули | қувончли | мунгли | жиддий | зерикарли |

**3-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг.

### Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз!

*Сўзини ёзган: Р. Наурызбаева*
*Мусиқасини ёзган: Н. Мирманов*

1. Ядролық жарылысқа – «Жоқ» дейміз,
Полигонды тура атылған оқ дейміз.
Дарқан дала Семей жерін таңдаған,
Уланбаған жер, су, адам қалмаған.

*Қайырмасы:*

Жер бетіне бейбітшілік орнасын!
Ядролық жарылыстар болмасын!
Ядролық жарылысқа – «Жоқ» дейміз!
Ядролық жарылысқа – «Жоқ» дейміз!

2. Тәуелсіздік шапағаты дарыған,
Азаматтар бас көтерді сап ұран.
«Невада-Семей» қозғалысы күш алды,
Полигонның тәжірибесі тұсалды.

3. Ядролық сынақ алаңы жабылды,
Қазақ халқы зор қауіптен арылды.
Жер шарының амандығын сақтаймыз,
Адамзаттың ақ тілегін ақтаймыз.

*Қайырмасы.*

?! Қўшиқ мазмунига эътибор беринг. Нима ҳақида айтилган?
- Атрофимиздаги оламни муҳофаза қилиш учун қандай талаблар қўйиляпти?
- Биринчи банд билан нақаротини қўшиқ ижро этиш талаблари асосида ўрганинг.

**Полигон** – қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларга синов ўтказиш учун мўлжалланган махсус ажратилган ва жиҳозланган майдон.

**Радиация** (ўткир радиация) – ядровий портлаш вақтида тарқаладиган радиоактив нурлар.

**4-топшириқ.** Ўрганинг ва ахборот топинг.

?! «Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз!» номли мунозара ўтказишга тайёргарлик кўринг. Муаллим ўқувчиларни «Экологлар», «Шифокорлар», «Санъаткорлар», «Олимлар», «Муаллимлар», «Ўқувчилар» номли олти гуруҳга бўлиб, дарсга тайёрлайдиган топшириқлар бериб, бирга таҳлил қилади.
Ҳар бир гуруҳ иш йўналиши бўйича интернет тармоғидан, кутубхона каби манбалардан фойдаланиб қуйидаги топшириқлар асосида маълумотлар топади:
- ўзларининг бажараётган ишлари ҳақида қисқача маълумот;

- ҳар бир йўналиш бўйича ядровий портлашнинг зарари ҳақида маълумот;
- шу соҳадаги машҳур одамлар ҳақида маълумот;
- табиатни муҳофаза қилиш учун мана шу йўналишларда қандай ишлар олиб борилиши кераклиги ҳақида маълумот.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

24-дарс

## Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз!
*(давоми)*

**1-топшириқ.** Импровизация.

?!

- Жаҳон тарихида из қолдирган ядровий портлашлар қаерларда бўлди?
- “Заман-ай”қўшиғида шоир қандай жойларни айтиб ўтди?
- Чет элларда бу қўшиқни биладими?
- Бошқотирмани тўғри топсангиз, ядровий портлашга қарши ҳаракат номи чиқади.




**2-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

?!

Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз! (сўзини ёзган: Р. Науризбаева, мусиқасини ёзган: Н. Мирманов) қўшиғи билан ишни давом эттиринг:

- Иккинчи ва учинчи бандлари билан ишланг;
- Қўшиқни тўлиқ ижро қилинг;
- Гуруҳга бўлиниб, “Қўшиқни ажойиб ижро этиш” мусобақасини ўтказинг.

**3-топшириқ.** Мусиқа тингланг ва таҳлил қилинг.



**Жубанова Ғазиза** Ахметқизи (1927–1993) – композитор. Алмати шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келган. У қозоқ қўшиқ ва куйларини ёшлигидан онгига сингдириб, тушуниб ўсди. Ғазизанинг отаси Қурманғази номидаги Қозоқ давлат академик халқ асбоблар оркестрининг дирижёри, таниқли композитор Ахмет Қуанўғли Жубанов эди. Ғ.Жубанова – жуда кўп ҳажмли мусиқий опералрнинг, балет, арияларнинг, қўшиқ ва хорларнинг, композицияларнинг муаллифи.

Ғ. Жубанованинг "Хиросима" балети Қозоғистон мусиқа санъатида катта ютуқ бўлди. Асар мусиқа тилининг барча юртга тушунарли бўла олишининг далилидир. Мана шу балет учун Ғ.Жубановага 1970 йили Қозоғистон Давлат мукофоти берилди.

?!

- АҚШ Япониянинг иккита шаҳри – Нагасаки билан Хиросимага атом бомбасини қайси йили ташлади?
- Японияликлар атом портлаши содир бўлган қайғули кунни эсга оладими?
- Хиросима билан Нагасаки шаҳарларида бомбанинг азобини тортганларга ёдгорлик қўйилганми?
- Бу куни япон болалари қоғоздан қандай қуш ясайди? Унинг маъноси нима?

Балетда япон халқининг турмуши, асосий қаҳрамонларнинг тасвири ёрқин ифодаланган. Унда атом портлашидан аёли билан Юки исмли қизи вафот этган Тайо деган фақирнинг бошидан кечирган воқеа тасвирланади. Балетнинг воқеаси якка бир оиланинггина тақдири эмас, бутун халқнинг, умуминсоният қайғуси сифатида ифодаланган.

Ғазиза Жубанова ўз балетида япон халқининг "Сакура" қўшиғини энг асосий куй сифатида олган. Бу қўшиқнинг қозоқчаси.

"Гилос" деган маънони билдиради. Гилос дарахти кўкламда пушти ранг нозик гулга бурканади. Қўшиқ шундай ажойиб мева дарахти ҳақида. У японларнинг тақвимида йил тасвири бўлиб саналади.

## Сакура (Гилос)

*(япон халқ куйи)*

*Қозоқ тилига таржима қилган: А. Жакеева*

## Хиросима

*(балетдан парча)*

**1-кўриниш**





?! Бу мусиқа қандай куйга ўхшайди?






**2-кўриниш**

Сув ости кўриниши – ажойиб ўсимликлар, тўда-тўда балиқлар, ялтираган медузалар.



Сувости ҳаётининг гўзаллиги сўз билан таърифлаб бўлмас даражада ажойиб. Тўсатдан кечаги ажойиб тасвирлар кўздан ғойиб бўлади. Атом бомбаси ёрилиб, атрофни қора зулмат босади.

Катта симфоник оркестрдаги куй шундай қайғунинг бўлганини, унинг шафқатсизлиги билан ҳеч қандай гуноҳи йўқ одамларнинг қирғинга учраганини ифодалайди.

**3-кўриниш**

Атом бомбасининг зардобидан ёниб кетган шаҳар тасвири билан балет тугамайди. Кўмир бўлиб куйиб кетган



иморатларнинг ичида туғишганларини қидириб, хаёли учган Тайо юрибди. Мусиқа уруш қурбони бўлган марш-парадга боғланади. Драмали кульминацияда хор алоҳида оркестр партияларини такрорлайди. Бу – вафот этганларга бағишланиб ижро этилган реквием-мадҳия. Унда Хиросимада вафот этган қиз ҳақида япон қўшиғининг куйи олинган.

Шу қайғули воқеадан кейин қанча йиллар ўтди. Хиросима қайта тикланди, ҳозир у – энг чиройли шаҳарларнинг бири. Бироқ бурунги атом бомбасининг портлаши бугунги кунда ҳам эшитиладигандай, у бизнинг Қозоғистон ерида ҳам сезилиб туради.




?! Семейдаги атом портлаши бўлган полигон ҳақида билдингиз.

- Маҳаллий халқнинг ҳаётига, табиатига қандай зарар келтирди?
- Портлаш ер остида амалга оширилса, радиоактив нурлар атроф -муҳитга, жониворларга , ҳаво билан сувга тарқаладими?
- Қозоғистонда ўтказилган “Невада-Семей” ҳаракати Семейдаги полигонни қайси йили ёпди?

**4-топшириқ.** Ижодий иш.

### «Ядровий портлашга – «Йўқ» деймиз!»

*(«Думалоқ стол» ўйини)*

*Қоидаси.* Ўқувчилар «Экологлар», «Шифокорлар», «Санъаткорлар», «Олимлар», «Муаллимлар», «Ўқувчилар» номли олти гуруҳга бўлиниб, ўтилган дарсдаги топшириқлар асосида думалоқ стол ўтказади.

Ҳар бир гуруҳ иш йўналиши бўйича интернет тармоғидан, энциклопедиялардан кутубхона каби манбалардан қуйидаги топшириқлар асосида тўплаган маълумотларни биргаликда таҳлил қилади:

– ўзларининг бажараётган ишлари ҳақида қисқача маълумот беради;

– ҳар бир йўналиш бўйича ядровий портлашнинг зарари ҳақида маълумот беради;

– таҳлил қилинган соҳадаги машҳур одамлар, уларнинг меҳнатлари ҳақида маълумот беради;

– табиатни муҳофаза қилиш учун шу йўналишда амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот беради.

**Балет** – мусиқий-хореографик намойиш. Унинг мазмуни, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуси мусиқа билан рақс орқали тасвирланади.

**Реквием** – турли оҳангли, қайғули мусиқий композиция.

**5-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

## 25-дарс Эл ҳимоясига тайёрмиз!

**1-топшириқ.** Импровизация.

Ота-бобомизнинг бизга қолдирган меросларидан бири: ким бўлишидан, қаерда бўлишидан қатъий назар ўз туғилган юртини, табиатини муҳофаза қилиш вазифаси. Аввалги дарсларда Орол денгизи ҳамда Семей полигони муаммоларини ўрганиб, бироз маълумот олиб, турли мусиқа билан танишдингиз. Уларнинг аҳволи ҳозир ҳам яхши эмас, еримизнинг табиатига зарар келтириб турибди.

Сиз телевизор, интернет тармоғидан дунёда бўлаётган уруш ҳақида кўриб, билиб юрган бўлсангиз керак. Бундай урушлар табиатимизга зиён келтирадими?

Биз буларни доимо ёдимизда сақлаб, элимизни, атрофимиздаги оламни муҳофаза қилишга тайёр бўлишимиз керак.

**2-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро қилинг.

## Сарбаздар жыры

*Сўзини ёзган: А. Асилбек*
*Мусиқасини ёзган: Н. Айтбаева*



Айбынды қазақ сарбазымыз,
Ерікті елдің саңлағымыз.
Отанды қорғау дұшпандардан –
Тыныштық өмір арманымыз.

Болсын деп аман анамыз да,
Болсын деп аман баламыз да,
Сарбаздар сай боп тұрған кезде,
Кірмейді жаулар даламызға.

*Қайырмасы:*

Жаса, қазақ сарбаздары,
Өткір қылыш алмастары.
Өткен батыр бабалардың
Бүгінгі ер жалғастары.

?! Қўшиқни талаблар бўйича ва муаллим кўрсатган усуллар асосида ўрганинг.

**3-топшириқ.** Мусиқа тингланг.

**Абадий машъал**

*(балетдан парча)*

*Мусиқасини ёзган: С.Еркимбеков*



Муаллиф "Абадий машъал" бир бўлимли балетида уруш ва тинчлик ҳақида тарихий мавзуларни муҳокама қилган. Туғилган юртига бўлган муҳаббати билан душманга бўлган нафрати рақс орқали доимий боғлиқликда тасвирланган. Балет 12 рақам, 4 кўринишдан иборат: "Кўк майдон", "Реквием", "Абадийлик", "Adagio", "Ер товуши", "Кун чиқиши", "Она билан бола", "Муҳаббат ранги", "Қайғу", "Вақт тармоғи", "Хотира". Балет хотира усулида ёзилган. Балетда асосий қаҳрамонларни тасвирлашда композитор она билан номаълум солдатни, унинг севган қизини бир томонида, уруш фожиасини иккинчи томонида тасвирлаган.

?! Видеотасмадан балет парчасини кўриб, олган маълумотингизни синфдошларингизга айтиб беринг.

**Балет** – саҳна санъатининг бир босқичи. Ундаги воқеа мусиқий-хореографик тасвирлар орқали кўрсатилади.

**Кўриниш** (балетда) – бир нуқтада бўлаётган ҳаракат, композициянинг тугалланган бўлими.

**Қаҳрамон** – бадиий композицияда тасвирланадиган воқеалар иштирокчиси, адабий образ.

**4-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Дарсда берилган топшириқларни қандай бажардим?
2. Бажарганда қандай қийинчиликларга дуч келдим?
3. Ўз тайёргарлигимни қандай яхшилашим мумкин?

26-дарс

## Атроф-муҳитни асрайлик!

**1-топшириқ.** Мусиқа тингланг ва ижро қилинг.



?! Мавзу асосида синфдошларингиз билан бирга "Атамекен" *(мусиқасини ёзган: Ш.Сариев, мусиқасини ёзган: Ж.Туяқбаев)* қўшиғини видеотасмадан тинглаб, караоке шаклида қўшиқчи билан биргаликда ижро этинг.

- Қўшиқ матнини муҳокама қилинг. Ватанимизнинг табиатини ҳикоя қилинг.

**2-топшириқ.** Ижро этинг ва таҳлил қилинг.

?! Аввалги дарслардан бошлаб, тайёрланган материаллар асосида ўқувчилар "Экологлар", "Ўт ўчирувчилар", "Балиқчилар", "Ўрмончилар" номли тўрт гуруҳга бўлиниб, тақдимот тайёрлашга киришади.

**3-топшириқ.** Ижодий иш. Тақдимот.

Гуруҳга бўлинган ўқувчилар тақдимот тайёрлаган вақтда:
- топган маълумотини ҳикоя қилади ёки саҳна кўриниши кўрсатади;
- мавзуга боғлиқ ҳужжатлар ва расмларни кўрсатади (керак бўлса);

- ҳар бир гуруҳга махсус ёзилган қўшиқларга тайёргарлик кўриб, таниш куйга қўшиб ижро этади;
- тақдимот охирида ҳар бир гуруҳ тайёрлаган қўшиғини синфда ижро қилиб беради.



**1-гуруҳ: “Экологлар”**

Қоршаған ортаның тынысы –
Ғажайып өмірдің ырысы.
Өзара үйлесім орнату –
Эколог маманның жұмысы.



**2-гуруҳ: “Ўт ўчирувчилар”**

Қауіп пен қатерден сақтайды,
Күні-түні бір тыным таппайды.
Кенеттен өрт шықса лаулаған,
Өртсөндірушілер сенімді ақтайды.



**3-гуруҳ: “Баликчилар”**

Табиғаттың сыйы бар балық деген,
Балықтың қасиетін танып келем.
Өсетін ортасының тазалығын,
Сақтайтын мамандарды анық білем.



**4-гуруҳ: “Ўрмончилар”**

Орманды қорғау – орманшының жұмысы,
Сезіп тұрар қалың орман тынысын.
Алуан түрлі міндеттерді атқарған,
Орманшының абыройлы мың ісі.

**4-топшириқ.** Баҳолаш.

1. Мавзу асосида ўйиннинг топшириғини қандай бажардим?
2. Тайёрлаган топшириғимнинг қайси томони тўғри, қайси томонида камчиликлар бўлди?

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

3. Бажариш давомида қандай қийинчиликлар учради?
4. Тақдимотимни қандай яхшилашим мумкин?

1. Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | “Арал тағдыры” мусиқасини ёзган | 1 | С. Байтереков |
| | | 2 | Қ. Сайжан |
| | | 3 | Е. Хасанғалиев |
| | | | |
| 2 | Рассом сифатида Орол экспедициясига қатнашган... | 1 | Т.Г. Шевченко |
| | | 2 | Н. Добронравов |
| | | 3 | И. Кобзон |
| | | | |
| 3 | “Аралым – айдын шалқарым” номли терманинг муаллифи | 1 | С. Еркимбеков |
| | | 2 | С. Оразали |
| | | 3 | Ә. Маханов |
| | | | |
| 4 | Вокал мусиқасининг энг оддий ва кенг тарқалган усули | 1 | қўшиқ |
| | | 2 | терма |
| | | 3 | роман |
| | | | |
| 5 | “Заман-ай” қўшиғининг муаллифи | 1 | С. Еркимбеков |
| | | 2 | Е. Хасанғалиев |
| | | 3 | Т. Мұхамеджанов |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Мусиқий-хореографик намойиш | 1 | тўлқин |
| | | 2 | балет |
| | | 3 | рақс |
| | | | |
| 7 | бадиий композиция-да тасвирланадиган тадбир иштирокчиси, ахлоқли образ. | 1 | қаҳрамон |
| | | 2 | қўшиқчи |
| | | 3 | адабиётшунос |

**2.** «Сарбаздар жыры» қўшиғининг биринчи ва тўртинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

Айбынды қазақ ...,
Ерікті ... саңлағымыз.
Отанды ... дұшпандардан –
Тыныштық ... арманымыз.

**3.** «Аралым» қўшиғининг биринчи ва иккинчи бандларидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, дафтарингизга ёзинг.

1. Жағанда толқын ойнап ... ...,
   Өзіңді Күн де ... ... .
   Аспанда шалқып ұшқан ..., ...,
   Шаттана өзіңе ... ... .

2. Нұр ойнап ай сәулелі ...,
   Талайлар ... ... байлығыңа.
   Аралым, айналайын, ... ...,
   Қандай күш ... ... қайғы-мұңға!



# КОИНОТГА САЁҲАТ

**Бўлимдан:**

- коинот оламини мусиқа орқали ҳис қилишни, эшитишни;
- классик мусиқа жанридаги балет, симфоник композицияларнинг коинотга боғлиқ мусиқий оҳангларини таҳлил қилиш ва таққослашни;
- ҳар бир асрга боғлиқ мусиқий тасвирни коинот билан боғлайдиган композитор фикрини тушунишни;
- машҳур француз композитори Д. Маруанининг мусиқий композициясини тинглаш орқали мусиқий композиция тайёрлашни;
- фортепиано, синтезатор асбобларининг хусусиятлари билан товуш тусини фарқлашни;
- мусиқий шаклларни таҳлил қилишни

**ўрганасиз.**

**Мусиқий саводхонлик:**

- балет, симфоник мусиқа;
- синтезатор, фортепиано;
- дамли асбоблар, флейта, гобой, кларнет;
- соната, пьеса;
- мусиқий шакл, мусиқий тасвир;
- мусиқий композиция.

**Атамалар ва терминлар:**

- коинот – ғарыш – космос – space;
- фазогир – ғарышкер – космонавт – cosmonaut;
- Бойқўнғир – Байқоңыр – Байконыр – Baikonur;
- синтезатор – синтезатор – синтезатор – synthesizer;
- пианино – пианино – пианино – piano;
- соната – соната – соната – sonata;
- балет – балет – балет – ballet.

## 27-дарс Бойқўнғир – ернинг киндиги

**1-топшириқ.** Импровизация.



Қадимда Қорқит бобомиз уловига миниб, оламни кезиб, “Ернинг киндигини” қидиради. Қанча қидирса ҳам, Бойқўнғирдай ер топмайди.

Сирли минтақани диққат билан ўрганган олимлар Бойқўнғирда ернинг тортишиш кучи кам, сабаби экваторга яқин, фазога учишга энг қулай ер деб ҳисоблаган. “Экватор” лотин тилида “мувозанат” деган маънони билдиради. Глобуснинг ўртасидан ўтган шартли чизиқ экватор чизиғи деб аталади. Нима учун Қорқит бобомиз Бойқўнғирни “Ернинг киндиги” деб атаган?

**2-топшириқ.** Маълумот тўпланг.

?! Видеотасмадаги маълумотларни кўриб, диққат билан тингланг.

- Икки видеолавҳа мазмунини бириктирадиган умумий сўзларни айтинг.
- Биринчи фазогирлар ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.

**3-топшириқ.** Мусиқа тингланг ва таҳлил қилинг.

### Бойқўнғир

*Мусиқасини ёзган: А. Алмағанбетов*

?! Видеотасмадан А. Алмағанбетовнинг халқ асбоблар ансамблининг ижросидаги “Бойқўнғир” мусиқий композициясини тингланг. Композитор асарини тўнғич қозоқ фазогири Т. Аубакировга бағишлаган.

- Композиция қандай суръатда ижро қилинган? (аста, тез, ўртача)
- Композициянинг асосий куйини нотага қараб ижро қилинг.
- Композиция неча бўлимдан иборат: АВ, АВА, А? Мусиқий шакл ҳақидаги билимингизни фойдаланинг.
- Қайси бўлимларида космик кеманинг учгани, коинот оламини текшириш ижобий натижалар бергани, Ерга қўнгани тасвирланган деб ўйлайсиз?

**4-топшириқ.** Қўшиқни ижро этинг.

### Байқоңыр

*Сўзини ёзган: Т. Тореали* *Куйини ёзган: В.Г. Мигуля*

1. Әлемге аты әйгілі,
Көгінде күлген Ай-Күні.
Тамсанып, таңдай қаққан бар ғалам,
Асқақтап тұрған айбыны.
Қазақтың сенсің байлығы,
Аспан мен Жер арасын жалғаған,
Бақ беріп Алла бармақтай
Ғарышкер Тоқтар, Талғаттай
Өзіңнен ұшты қазақ алыбы.
Ұлы өлкем менің – ұлы арман
Ұшырып алғаш зымыран,
Қазақстанды әлем таныды.

*Қайырмасы:*

Байқоңырым, елім менің еңселі,
Жүрегіммен сүйемін мен сені.
Байқоңырды – Жер кіндігі деуші еді,
Бүкіл әлем құрметтесін сені.

?! • Қўшиқ матнидаги Бойқўнғир билан коинотни уйқаштириб сўзларни аниқланг.
• Видеотасмадан кўрган замонавий (эстрада) мусиқий асбобларни атанг.
• “Бойқўнғир” қўшиғи сизга қандай кайфият бағишлади?
• Қўшиқнинг биринчи банди билан нақаротини ўрганинг.

**5-топшириқ.** Тадқиқот ўтказинг.







Уч гуруҳга бўлиниб, қозоқ фазогирлари – Тўхтар Аубакиров, Талғат Мусабаев, Айдин Айимбетов ҳақида маълумот тўплаб, эълон тайёрланглар.

28-дарс

## Коинот оҳанги

**1-топшириқ.** Импровизация.



?!
- Коинот (космос) атамасини қандай тушунасиз?
- Кўрган видеотасмалардан коинот оламини ҳис қилдингизми?
- Қайси видеотасма сизга ёқди? Нима учун?

**Коинот** – Ерни ўраб турган чексиз фазо. Бутун осмон жисмлари Қуёш, Ой, Ер, юлдузлар ва бошқа сайёралар коинот оламини ташкил қилади.

**2-топшириқ.** Тингланг ва таҳлил қилинг.

**«Simhoni»**

*(“Спейс” рок гуруҳининг ижросида)*

*Мусиқасини ёзган: Дидье Маруани*

?! Сиз кўрган икки видеотасмадаги фойдаланган мусиқа – француз композитори Дидье Маруанининг “Simhoni” мусиқий композиция.

Дидье Маруанининг “Синтезаторлар подшоси” деб номлаган у тузган “Спейс” рок гуруҳи 1980 йиллари дунёга машҳур бўлди.

- “Спейс” рок гуруҳининг ижросидаги “Simhoni” мусиқий композициясини тингланг, қандай йўналишда (халқона, классик, эстрада) ёзилганлигини аниқланг. Қуйидаги маълумотномаларни фойдаланинг.

**Халқ мусиқаси** – миллий қўшиқ-куй, айтимлар.

**Классик мусиқа** – симфония, опера, сюита, романс каби мусиқа жанрлари.

**Эстрада мусиқаси** – электрон мусиқий асбоблар билан қайта ишланган композициялар. Ҳозирги эстрада йўналишида кенг тарқалган услублар: поп мусиқа, рок мусиқа.

**Услуб** – композитор ёки ижрочининг мусиқий тасвирни бериш йўналиши.

## Эстрада услублари

| Поп мусиқа | Рок мусиқа |
|---|---|
| Эстрада – мусиқий йўналишидаги, кенг тарқалган, тинглашга енгил, кўпчиликка бағишланган мусиқа. “Поп” машҳур деган маънони англатади.. | Рок мусиқа – 20 асрнинг иккинчи ярмидаги электронли мусиқий асбоблар билан ижро қилинадиган поп мусиқанинг йўналиши. Инглиз тилидан таржима қилганда “қичқириш”, “силкиниш” деган маънони билдиради ва аниқ (оғир) суръатда ижро қилинади. |

**3-топшириқ.** Тадқиқот ўтказинг.

?!
- “Спейс” рок гуруҳининг ижросидаги композициядан ўзингизга таниш мусиқий асбобларни атанг.
- Видеотасмадаги композициянинг асосий куйида қайси асбобнинг оҳанги кучлироқ?

| Синтезатор | Фортепиано | Орган |
|---|---|---|
| Синтезатор – техника билан мусиқанинг йиғиндисидан ҳосил бўлган электронли мусиқий асбоб. Клавиатура шаклида ясалган синтезаторни клавишли синтезатор деб атайди. Компьютерли дастурлар шаклида берилган синтезатор дастурли синтезатор деб аталади.  | Фортепиано (итал. fortepiano, forte – қаттиқ ва piano – секин) –торли зарбли –клавишли асбоб. Пианино мусиқий асбоб.  | Орган – фортепиано каби клавишли, энг катта асбоб. Органнинг юқори қисмида жойлашган найчаларига ҳаво юбориш орқали товуш чиқарилади. Шунинг учун уни дамли-клавишли асбобга киритади. Асбоб клавишларини қўл билан пастки қисмини оёқ билан босиб ижро қилади.  |

**4-топшириқ.** Ижодий иш.

## Коинот симфонияси

*(Импровизация)*

?! Д. Маруанининг “Simhoni” мусиқий композициясига “Аудиотасма” дастурининг ёрдамида импровизация тайёрланг.




**29-дарс**

## Мен фазогир бўламан

**1-топшириқ.** Импровизация. Мусиқа тингланг.

20-асрнинг катта янгиликларидан бири инсоннинг ойга учишидир. Бу воқеа жаҳон мусиқачиларининг композицияларида ҳам катта кашфиётга сабаб бўлди. Коинот мавзусига бағишланган турли жанрдаги санъат асарлари дунёга келди. Шулардан бири – америка композитори Ч. Айвзнинг “Космический пейзаж” (“Коинот пейзажи”) номли оркестрли пьесаси. Кейин бу композициянинг номи “Жавобсиз қолган савол” бўлиб ўзгарди.

### Космический пейзаж
*(“Коинот пейзажи”)*

*Мусиқасини ёзган: Ч. Айвз*



?! Симфоник оркестрнинг ижросидаги “Коинот пейзажи” композициясидан парча тингланг. Мусиқа сизга тушунарли бўлиши учун ўзимизни бир дақиқага фазогир фараз қилайлик.

«Тўрт фазогир номаълум бир сайёрага учиб боради. Фазогирлар чиройли, ажойиб ва жуда сирли сайёрага ҳайратлана қарайди. Бир пайт шу сайёранинг аҳолиси «Қандайсизлар? Кимсизлар? Қандай мақсадда келдинглар?», дегандай овоз чиқариб саволлар беради. Фазогирлар овозга ҳар хил тилда жавоб беришга ҳаракат қилгани билан, уни коинот аҳолиси тушунмайди. Шундай қилиб 7 марта берилган савол жавобсиз қолади» .

?!
- Симфоник оркестрни тинглаб, коинот оламини, фазога учган тўрт фазогирни ва номаълум сайёра аҳолисини мусиқа орқали тасаввур қилинг.
- Симфоник оркестр куйи – ҳайратланарли, сирли сайёра. Фазога учган тўрт тадқиқотчи ва 7 марта овозли савол берган коинот аҳолисининг оҳангини таърифланг, асбобларини аниқланг.

**2-топшириқ.** Қўшиқни ўрганинг ва ижро қилинг.

**Мен ғарышкер боламын**

*Сўзини ёзган: С. Қамшигер*
*Мусиқасини ёзган: Ў. Алтаев*

Байқоңырдың даласы,
Кең көкжиек арасы.
Мен – қазақтың киелі,
Арда туған баласы.
Биіктерден қараймын,
Жұлдыздарды санаймын.
Ғарыш, әлем көкжиегі –
Арманы ғой талайдың.

*Қайырмасы:*

Жер-жаһанды шоламын,
Алыстарға барамын.

Ғаламат ғаламды танитын,
Мен ғарышкер боламын.
Таудай батыр боламын,
Таусылмайтын талабы.
Тоқтар мен Талғат ағамдай
Мен ғарышкер боламын.

Көңіл толғап алысқа,
Тырысамын намысқа.
Ел арманын арқалап,
Ұшамын мен ғарышқа.
Ғылым, білім – жолдасым,
Басқа бақыт орнасын.

?!
- “Мен ғарышкер боламын” қўшиғига ишланган видеотасмани кўриб, айтиб беринг.
- Қўшиқ матнига қараб, фазогир бўладиган боланинг ўзига қўядиган талабларини айтинг.
- Қўшиқ жўрлигидаги коинот товушларини қандай асбоб орқали кўрсатган? (дўмбира, фортепиано, гитара, синтезатор).
- Қўшиқни ўрганинг, ёқимли ижро қилинг.

**3-топшириқ.** Ижодий иш.

Икки гуруҳга бўлининглар.

**1-гуруҳ:** “Мен ғарышкер боламын” қўшиғини ижро этиб, қўшиқнинг биринчи банди билан нақаротини матннинг мазмунига қараб қўл ҳаракатлари билан кўрсатади.

**2-гуруҳ:** Иккинчи банди билан нақаротини ижро этиб, матннинг мазмунини қўл ҳаракатлари орқали кўрсатади.

**Эслатма:** Ҳар бир гуруҳ қарсакни бир қолипда чалиши керак. Тузилган композицияга мувофиқ коинот оҳангларини ижро этиши мумкин.

**4-топшириқ.** Баҳолаш.

- Ҳар бир гуруҳ ўз композициясини таништиради ва баҳолайди.

30-дарс

## Йиллар ҳамда коинот мусиқаси

**1-топшириқ.** Импровизация.

Инсоният тушунчасида коинот, осмон олами қандайдир бир мўъжизанинг, гўзаллик билан чамбарчасликнинг, тотувлик билан ҳамжиҳатликнинг, шодлик билан ёмонлиги йўқ бахт макони каби кўринган.

Коинотга йўл очилмай турган асрларда ҳам буюк композиторлар коинот оламидаги гўзалликни мусиқа орқали ифодалаган. Масалан: Италиянинг буюк композитори А. Вивальди, немис композиторлари В.А. Моцарт, Л.В. Бетховен. Шу даврнинг ўзидаёқ композиторлар асарларига сайёра номларини қўйган: В.А. Моцартнинг “Юпитер” симфонияси, Л.В. Бетховеннинг “Лунная” сонатаси (“Ой нури”). Ҳозир эса Вивальдининг номи билан Меркурий сайёрасининг бир кратери номланади.

### “Лунная соната”

*Мусиқасини ёзган: Людвиг ван Бетховен*

Буюк немис композитори Л. Ван Бетховен Ой нурининг гўзаллигини “Лунная соната” номли композициясида ифодалаган.

?! “Лунная соната” (“Ой нури”) фортепиано асбобига бағишланиб ёзилган. Сонатани диққат билан тингланг, видеотасмани томоша қилинг.

**Соната** – бир неча қарама-қарши (контраст) қисмлардан иборат асбобли композиция.

**2-топшириқ.** Ижро этинг.

?! • Сонатанинг кириш қисмини аудиодан тинглаб, асосий оҳангини ля нотаси билан ижро қилинг:

1. Муаллимнинг жўрлиги билан:



2. Муаллимнинг жўрлигисиз:



**3-топшириқ.** Ижодий тадқиқотчилик лойиҳаси.

- “Йиллар ҳамда коинот” мусиқаси мавзусига лойиҳа тузинг.

Лойиҳа мавзулари.

“Чарльз Айвз ва коинот мусиқаси”, “Коинот ва рок”, “Ер киндиги – Бойқўнғир”.

Лойиҳа талаблари:

“Космик майдон- Бойқўнғир” асосида:

**4-топшириқ.** Ижодий лойиҳани кўрсатиш, таништириш, баҳолаш.

## БИЛИМИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

**1.** Саволларнинг тўғри жавобини топинг.

| | Савол | | Жавоб |
|---|---|---|---|
| 1 | Нима учун Бойқўнғир космос майдони бўлиб танланган? | 1 | Қорқит ота айтгани учун танланган |
| | | 2 | Космик кема учирилгани учун танланган |
| | | 3 | Ернинг тортилиш кучи кам бўлгани учун танланган |
| | | | |
| 2 | “Бойқўнғир” мусиқий асари неча бўлимдан иборат? | 1 | 1 бўлимдан |
| | | 2 | 3 бўлимдан |
| | | 3 | 4 бўлимдан |
| | | 4 | 2 бўлимдан |
| | | | |
| 3 | «Синтезатор» подшоси номини олган композитор | 1 | Д. Маруани |
| | | 2 | Ч. Айвз |
| | | 3 | Л. Бетховен |
| | | | |
| 4 | “Спейс” рок гуруҳининг раҳбари | 1 | А. Алмағанбетов |
| | | 2 | Д. Маруани |
| | | 3 | Ч. Айвз |
| | | | |
| 5 | Ч. Айвз қайси элнинг композитори? | 1 | Германия |
| | | 2 | Англия |
| | | 3 | Франция |
| | | 4 | Америка |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Симфоник оркестр ижро қилган композициядаги жавобсиз қолган савол ҳосил қилган асбоб | 1 | гобой |
| | | 2 | кларнет |
| | | 3 | флейта |
| | | 4 | труба |
| | | | |
| 7 | Туйғусини “Ой нури” асари тасвирлаган композитор | 1 | А. Вивальди |
| | | 2 | Л. Бетховен |
| | | 3 | Ч. Айвз |

**2.** “Мен ғарышкер боламын” қўшиғининг биринчи бандидаги кўп нуқтанинг ўрнига тегишли сўзларни қўйиб, ижро этинг

… даласы
Кең көкжиек арасы.
Мен – қазақтың киелі,
… туған баласы,
Биіктерден қараймын,
… санаймын.
…, әлем көкжиегі –
Арманы ғой талайдың.



# КЕЛАЖАККА САЁҲАТ

**Бўлимдан:**

- замонавий мусиқанинг ривожланиш йўналишларини таққослаш ва таҳлил қилишни;
- эстрада йўналишидаги услубларни фарқлашни;
- дастурли қўшиқлар билан эстрада қўшиқларининг уйғунлигини тушунишни;
- замонавий мусиқий асбобларнинг товуш туси билан асбобли имкониятларни аниқлашни;
- электрон дўмбира асбобларининг товуш тусини фарқлашни;
- француз композитори Жан Мишель Жаррнинг замонавий мусиқанинг ривожланиш йўналишидаги ютуқларига баҳо бериш билан таҳлил қилишни;
- келажакдаги мусиқий асбобларнинг компьютер ва электрон товушларини эшитиш ва тайёрланиш усулларини тасвирлашни

ўрганасиз.

**Мусиқий саводхонлик:**

- опера, шоу;
- рок, рэп, поп;
- дастурли ижрочи;
- электрон мусиқа;
- эстрада мусиқаси;
- компьютерли мусиқа;
- лазерлик арфа.

**Атамалар ва терминлар:**

- келажак – болашақ – будущее – future;
- орзу – арман – мечта – the dream;
- классика – классика – классика – the classics;
- опера – опера – опера – opera;
- эстрада – эстрада – эстрада – variety;
- рок мусиқа – рок музыка – рок-музыка – rock music;
- поп мусиқа – поп музыка – поп-музыка – pop music;
- рэп – рэп – rap;
- реактейбл – реактейбл – reactable.

## 31 дарс Қўшиқ, айтимлар олами - келажакда

**1-топшириқ.** Импровизация.

Келажак орздан бошланади. Сизнинг ҳам орзуингиз бор бўлса керак. Ҳар қандай санъат одамлари ўз қаҳрамонларини келажакда ҳам рўёбга чиқса экан, деб орзу қилишган. Сиз бахтлисиз! Чунки сиз ота-боболаримиз орзулари амалга ошганининг гувоҳисиз.

Халқимизнинг қадимдан келаётган ноёб асарларидан бири – “Қиз Жибек” поэзияси ҳозир ҳам бахшиларнинг ижросидан қолгани йўқ. Шу билан бирга қўшиққа кинофильм туширилиб, саҳна, опера намойишлари кўрсатилиб турибди.

**2-топшириқ.** Таҳлил қилинг.

**“Қиз Жибек”**

*(қўшиқдан, кинодан, операдан, парчалар)*

